PDF Compressor Free Version

IFODA-ИНДОРАМА: МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК – ЯНГИ НАТИЖАЛАР 18

"SEMILLAS FITO" МАККАЖЎХОРИ УРУҒЛАРИ – ЭНДИ ЎЗБЕКИСТОНДА 36

ДЕҲҚОНЛАРГА ШПАРГАЛКА: ҒЎЗА ПАРВАРИШИ БЎЙИЧА АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР 52

# IFODA

*Birgalikda yetishtiramiz!*

IFODA - BALCOM: ЯНГИ ИСТИҚБОЛ САРИ 19

# 5 | 01-02•2021

## АГРОЖУРНАЛ

www.ifoda.uz/magazine

PDF Compressor Free Version

Play Market App Store

# ARTIVIVE

1 Play Market ёки App Store га киринг ва **artivive** деб қидиринг!

2 **Artivive** иловасини юклаб олинг!

3 Мобил қурилмангиз камерасини фотосуратга йўналтиринг ва томоша қилинг!



**"IFODA" журналида махсус янгилик!**

Эндиликда сиз махсус белги туширилган расм устига мобил телефонингизни бир лаҳза тутиб туриш орқали унинг остига яширинган видеони томоша қилишингиз мумкин. Бунинг учун фақат сиз **Artivive** дастурини юклаб олинг!

PDF Compressor Free Version

Журнал икки ойда бир марта чоп этилади.

Январь–февраль 2021 йил
5-сон

Журнал таъсисчиси:
"Ifoda Agro Kimyo Himoya"
масъулияти чекланган жамияти

Бош директор:
Қодирбек Мирзамахмудов

Бош муҳаррир:
Муҳаммет Садат Колжуоғлу

Таҳрир ҳайъати:
Бобур Мирзаизов
Дониёрбек Муллабоев
Озода Ҳалимова

Фотосуратчи:
Абзал Аскаров

Ташкиллаштирувчи масъул:
Аброр Раҳмонқулов

Саҳифаловчи дизайнер:
Муслим Солиев

Агрономлар:
Дилшод Жўраев
Икром Жўраев
Женгиз Ялчин
Ахмет Сунар
Хакан Накиш

Маслаҳатчилар:
Дониёрбек Муллабоев

Агроном консультант:
Муҳаммет Садат Колжуоғлу

Манзил:
Наманган шаҳар
Оромгоҳ кўчаси 27
+998 78 147-05-00
info@ifoda.uz
@ifodaagroconsulting
www.ifoda.uz

# Мундарижа:

04 Президент: "Сувдан оқилона фойдаланиш – соҳадаги энг устувор вазифа бўлиши керак!"

07 "Файзли боғлар сари" узумчилик кооперациясига ташриф

08 Пахтадан сифатли ва мўл ҳосил олганлар

10 "IFODA"нинг "Пахта байрами"дан репортаж

12 Гулкарам экспортидан миллиардлаб даромад топаётган фермер хўжалиги

13 "IFODA"нинг янги сони қувончи

14 Ўтган йил сарҳисоби ва 2021 йил режаларига бағишланган семинар

16 Ерингиз экин экишга тайёрми?

18 IFODA-ИНДОРАМА: Мустаҳкам ҳамкорлик – янги натижалар

19 IFODA-ART SOFT HOLDING: Ўзаро ишонч – ҳамкорликнинг муҳим шартидир

20 IFODA - BALCOM: Янги истиқбол сари

22 Фазлиддин Ибрагимов: "Деҳқон ва фермерларнинг томчилатиб суғориш тизимига қизиқиши баланд!"

26 Ғўза касалликлари

32 Ҳамкорликдаги иш ўзини оқламоқда

34 Пахтадан мўл ҳосил олиш йўллари

36 "Semillas fito" маккажўхори уруғлари – энди Ўзбекистонда!

39 Буғдойда ўғитлашнинг афзалликлари

40 Пахта етиштириш сирлари

42 Ғўзани ҳимоя қилишда феромон тутқичларнинг қўлланилиши

44 Дарахтларга шакл беришни биласизми?

46 Вилоятлар бўйлаб семинарлар ташкил қилинмоқда!

48 Томчилатиб суғориш тизимларининг афзалликлари

50 Пахтани ўғитлаш дастури

51 Пахтани ҳимоя қилиш дастури

52 Деҳқонларга шпаргалка: ғўза парвариши бўйича агротехник тадбирлар

PDF Compressor Free Version


IFODA
ACADEMY

IFODA-academy

Даладан – студияга, студиядан – далага!

ZARTUPROQ

Zartuproq

Агроинновациялар ҳақида кўпроқ!

PDF Compressor Free Version

# Ассалому алайкум, қадрли деҳқон ва фермерлар!

"IFODA" журналининг 5-сони орқали Сиз билан ғойибона дийдор кўришиб турганимиздан бениҳоя мамнунмиз. Бу галги нашримиз 2021 йилнинг илк сони бўлганлиги боис Сиз – азизларга йил бўйи асқотадиган муҳим маслаҳат ҳамда тавсиялар кўпроқ бўлишини истадик. Хабарингиз бор, ўтган 4-сон ғалла мавсумига бағишлаб чиқарилган эди. Мазкур анъанани давом эттирган ҳолда журналимизнинг бу галги сонини пахтачилик соҳаси учун ажратишга қарор қилдик. Зеро, уни қўлга олган деҳқон пахтани экишдан тортиб, юқори ҳосил олишгача бўлган барча жараёнларда ўзига асқотадиган маълумотларни топа олсин. Жонига оро кирадиган, қишлоқ хўжалиги борасида анчадан буён қийнаб келаётган муаммосини бутқул ҳал этиб бера оладиган препарат борлигидан хабар топсин. Пахтадан юқори ҳосил олган деҳқонлар муваффақиятидан руҳланиб, ўзи ҳам шунга интилсин.

Таъкидлаш лозимки, кўпчилик учун оғир кечган 2020 йил "IFODA" компанияси учун ҳам енгил ўтгани йўқ. Бироқ унда қувончли лаҳзалар ҳам етарлича бўлди. Жумладан, «IFODA» компаниясининг фаолияти, унинг маҳсулотлари хорижлик мутахассислар, йирик компанияларда катта қизиқиш уйғотди. Компания Испаниянинг "Semilles Fito" компанияси билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга муваффақ бўлди. Автомобиль, кўчмас мулк, меҳмонхона ва бошқа бизнес турлари билан шуғулланувчи "Balcom Co. Ltd" япон хусусий холдинги ўзаро манфаатли шартнома шартлари асосида "Ifoda Agro Kimyo Himoya" МЧЖга тўғридан-тўғри 10 млн АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритди. Юртимизнинг икки йирик вилояти – Сурхондарё ҳамда Наманганда мўл ҳосил шарафига пахта байрамлари ўтказилди.

Тўғри, қийинчиликлар ҳеч биримизни четлаб ўтмади, бироқ қувончли кунлар шукрини қилмаслик ҳам Аллоҳга хуш келмайди. Юқоридагиларни эътироф этган ҳолда "IFODA" компанияси бундан буён сизларга фақат ва фақат қувончли, бахтли онлар ҳамроҳ бўлишини тилайди. Юқори ҳосилдорликка эришган фермерларимиз сафи янада кенгаяверсин! Сиз орзу қилинг, биз амалга ошириш учун бор куч-ғайратимизни ишга соламиз. Доим ризқингиз бутун, дастурхонингиз тўкин, хирмонингиз янада юксалаверсин.

**Ҳурмат билан**

**Қодирбек МИРЗАМАҲМУДОВ**

PDF Compressor Free Version



# ПРЕЗИДЕНТ: “СУВДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ – СОҲАДАГИ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФА БЎЛИШИ КЕРАК!”

**ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 24 ФЕВРАЛЬ КУНИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА ЖОРИЙ ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ ЮЗАСИДАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗИЛДИ**

«Қишлоқ хўжалиги – мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, иш ўринлари ва аҳоли даромадини кўпайтиришда катта манбалардан бири ҳисобланади. Шу боис соҳага доир кўплаб ҳужжатлар қабул қилиниб, зарур шароитлар яратиб берилди. Боғдорчилик, узумчилик, мева-сабзавотчилик, шоличилик, чорвачиликни ривожлантириш, сувни тежаш, агрокорхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш механизмлари йўлга қўйилди», дейилади президент матбуот хизмати хабарида.

Экинларни оқилона жойлаштириш ва илм билан етиштириш орқали бу йил ҳар бир гектардан олинадиган даромадни 5 минг долларга етказиш мақсади белгиланган.

«Экинлардан олинадиган даромадни кескин кўпайтириш ва сувдан оқилона фойдаланиш соҳадаги энг устувор вазифа бўлиши керак», дея таъкидлаган давлат раҳбари.

Бунинг учун экинларни ҳар бир туманнинг ўзига хослиги, маҳаллаларда тарихан шаклланган деҳқончилик кўникмалари, сув таъминотидан келиб чиқиб жойлаштириш зарурлиги қайд этилди. Мисол учун, Мирзаобод туманидаги айрим майдонларда пахта ҳосилдорлиги 12 центнерни ташкил қилмоқда. Лекин, у ердаги маҳаллаларнинг ихтисослашуви ўрганилганда, анор етиштириш имконияти ва қайта ишлаш корхонаси борлиги аниқланган.

Худди шунингдек, Фориш ва Элликқалъа туманларида винобоп узум навларини ўстириш мумкин. Булоқбоши туманида саримсоқпиёздан юқори даромад олиш, хонадонларга имтиёзли кредит бериш орқали йилига 1 минг тонна экспортбоп узум етиштириш имконияти бор.

«Жорий йил 1 мартдан бошлаб, оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида боғ, ток ва иссиқхона учун аҳолига ажратиладиган кредитлар муддати 3 йилдан 7 йилгача, имтиёзли даври эса 1 йилдан 3 йилгача узайтирилади. Бу – одамларнинг истаги, ўзгаришлар учун имконият», деди Шавкат Мирзиёев.

Лалми ва яйлов ерларни фойдаланишга киритиш, бу орқали доимий ва мавсумий иш ўринлари яратиш муҳимлиги таъкидланди.

Йиғилишда жорий йилда қишлоқ хўжалиги корхоналарини 702 минг тонна уруғ ва 105 миллион туп кўчат билан таъминлаш зарурлиги қайд этилган.

Бу борада тизим йўлга қўйилмагани аҳолига ҳам, экспортчиларга ҳам қийинчилик туғдираётгани, навларнинг сифати, маҳсулотларнинг етилиш муддати ташқи бозорларда етакчи ўринларга чиқиш имконини бермаётгани таъкидланган.

Шу боис, энди Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти ҳамда унинг илмий-

PDF Compressor Free Version

тажриба станцияларида давлат-хусусий шериклик асосида юқори ҳосилли, экспортбоп мева ва узум кўчатлари етиштириш йўлга қўйилади. Бунинг учун ҳар бир вилоятда камида 100 гектар майдонда ҳудудларнинг тупроқ-иқлим шароитларига мос интенсив кўчатчилик хўжаликлари ташкил этилади. Маҳаллий уруғчилик хўжаликларидан уруғ ва кўчат сотиб олинганда, бунга кетган маблағнинг 20 фоизигача қисми тўлаб берилади.

Шунингдек, муқобил энергияда ишлайдиган лимончилик иссиқхоналари қуриш харажатларининг ҳам бир қисмини қоплаб бериш тартиби жорий қилинади.

Йиғилишда пахта-тўқимачилик кластерлари самарадорлигини ошириш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

«Кластер – изланиш, инновация, дегани. Агар кластерлар эртанги кунни тасаввур қилиб ишласа, қўшимча қийматли маҳсулотларни бозорга олиб чиқиб, рақобатбардош бўлиши мумкин. Дунё тажрибасини ўрганиб, маҳсулотни кўпайтириб, таннархни камайтириш керак», деган президент.

Аграр тармоқни барқарор молиявий ресурслар билан таъминлаш учун бу йил Қишлоқ хўжалиги жамғармасига 24 триллион сўм маблағ йўналтирилмоқда. Бунда, биринчи марта, сабзавот етиштиришга Марказий банкнинг асосий ставкасида кредитлар бериш учун 300 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, бошоқли дон ва пахта етиштириш, пахта-тўқимачилик кластерлари ва кооперацияларига 18 ойгача кредитлар бериш учун ҳам қўшимча маблағлар талаб этилади.

Шу мақсадда, бугун Қишлоқ хўжалиги жамғармаси фаолияти ҳамда ишлаб чиқарувчиларни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида президент қарори қабул қилинди. Йиғилишда ушбу қарор мазмун-моҳияти, ижроси ҳақида сўз борди.

Давлат раҳбари соҳада илм-фан ва ахборот технологияларини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Полиз ва сабзавотчиликни ривожлантиришда АҚШ, мева етиштиришда Буюк Британия, дончиликда Австрия, ўсимликлар ҳимояси бўйича Нидерландия, ўсимликлар озиқланиши ва ҳужайра биологияси бўйича Германия тажрибасини ўрганиш, экспертларни жалб этиш зарурлигини таъкидлади.

PDF Compressor Free Version

**ХУСУСАН, 430 МИНГ ГЕКТАРДА СУВ ТЕЖОВЧИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ 3 МИЛЛИАРД КУБМЕТР СУВНИ ИҚТИСОД ҚИЛИШ МУМКИН.**

**ЧОРВАЧИЛИКДА ОЗУҚА-ЕМ МАСАЛАСИ ДОЛЗАРБ. ШУ БОИС ЯНГИ ЎЗЛАШТИРИЛАДИГАН ЕРЛАР ЧОРВА КОМПЛЕКСЛАРИ УЧУН ТАҚСИМЛАБ БЕРИЛИШИ, 28 МИНГ ГЕКТАР ЛАЛМИ ВА ЯЙЛОВЛАРДА ҲАМДА 173 МИНГ ГЕКТАР АСОСИЙ ЭКИНДАН БЎШАГАН МАЙДОНЛАРДА ОМУХТА-ЕМ ЕТИШТИРИЛИШИ БЕЛГИЛАНДИ.**

Қишлоқ хўжалиги вазирининг ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича ўринбосари лавозими жорий этилди ва алоҳида тузилма ташкил этилмоқда. Ушбу тузилмага йил якунига қадар 3 миллион гектар суғориладиган ерлар мониторинги, тупроқ таркиби ва экинлар ҳақидаги маълумотларни мужассам этган ахборот тизимини йўлга қўйиш топширилди. Бу мақсадларга халқаро молия ташкилотларининг 10 миллион доллари йўналтирилади.

Шу билан бирга, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида Агрохиматлар марказини ишга тушириш бўйича топшириқ берилди.

Видеоселектор йиғилишида сувдан тежаб фойдаланиш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Жорий йил суғориш мавсумида сув таъминоти меъёрга нисбатан 25 фоиз кам бўлиши кутилмоқда. Шу боис сув исрофига умуман йўл қўймаслик ҳаётий зарурат.

Бу, ўз навбатида, шундай технология ва ускуналарга талабни оширади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, томчилатиб суғориш тизимлари ва қувурлар ишлаб чиқариш учун жорий йил февраль-апрель ойларида 35-40 минг тонна полиэтилен зарур. Шу боис, сув тежовчи технологиялар учун зарур бўлган полиэтилен ва полипропилен учун импорт божи 1 октябргача бекор қилингани айтилди.

Сув хўжалиги вазирлигига 3 мингдан зиёд насосларни таъмирлаш ва янгилаш, насос станцияларида электр энергияси ва сув сарфини "онлайн" мониторинг қилиш тизимини жорий этиш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчиликни ривожлантириш чора-тадбирларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Бу йил 1 июлдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғидан қарздорлиги бўлмаган чорвачилик, паррандачилик, қуёнчилик ва балиқчилик хўжаликларига етиштирган маҳсулоти учун бюджетдан субсидия ажратилиши таъкидланди.

Шунингдек, чорвачилик корхоналарига ҳомашё ва технологияларни импорт қилишда бир қатор енгилликлар берилади. Балиқ ва парранда етиштиришдаги нобудгарчиликни суғурталаш тартиби ишлаб чиқилади.

Мазкур йўналишларда малакали кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ҳокимлар, қишлоқ хўжалиги тармоқлари раҳбарлари ахборот берди.

*prezident.uz сайтидан олинди.*

PDF Compressor Free Version

# “ФАЙЗЛИ БОҒЛАР САРИ” УЗУМЧИЛИК КООПЕРАЦИЯСИГА ТАШРИФ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 4 февраль куни Фарғона вилоятига уюштирган ташрифи давомида биринчи манзил сифатида Олтиариқ туманидаги “Файзли боғлар сари” узумчилик кооперациясини танлади.

Президент келган кооперациянинг 6 гектарлик токзори ўрнида илгари пахтадан 20, ғалладан 25 центнер ҳосил олинар эди. Ўтган йили бу ерда боғ яратилиб, “ҳусайни”, “келин бармоқ”, “ризамат” навли узум кўчатлари экилган. Қатор ораларида помидор, бодринг, кўкатлар, қалампир ва бошқа сабзавотлар етиштирилмоқда. Томчилатиб суғориш тизими жорий қилинган.

Энг муҳими, бу майдон 51 нафар ёшга, жумладан, хориждан қайтиб келган меҳнат муҳожирларига ажратиб берилган. Улар плёнка остига сабзавотлар экиб, тўрт мартагача ҳосил олиш мумкинлигини исботлашди.

“Файзли боғлар сари” узумчилик кооперациясининг умумий ер майдони қарийб 130 гектар. Шундан 40 гектар майдонда токзор, 90 гектар майдонда интенсив боғ барпо этилган. 2 минг тонна сиғимли музлаткичли омбор, юк машиналари бор. Етиштирилган маҳсулотларнинг катта қисмини экспорт қилиш режалаштирилган.

PDF Compressor Free Version



# ПАХТАДАН СИФАТЛИ ВА МЎЛ ҲОСИЛ ОЛГАНЛАР

Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги "Ғулом Қодир" фермер хўжалигига қарашли пахта даласидаги ғўзалар анча яхши ривожланди. Хўжалик раҳбари ва ойларида ғўзадаги ўртача 7-8 тадан кўсакни кўриб, келгусида камида 40-45 центнер ҳосил олишни ният қилди. Ва чигитни ерга қадаганидан бошлаб, ҳосил бергунга қадар "IFODA" компанияси агрономлари билан ҳамкорликда иш юритиб, ғўза парвариши, ҳосилни ошириш, касаллик ҳамда зараркунандаларга қарши курашиш чораларини кўриб келмоқда.

Жиззах вилояти Пахтакор тумани "Пахтакор-Алпомиш" фермер хўжалиги эрта баҳордан чигитни IFO SEED билан дорилаб эккан. Бу эса ўз навбатида ғўзанинг яхши униб чиқишига, турли касалликларга чидамли бўлишига ва стресс ҳолатларга тушмаслигига ёрдам берган. Навбатдаги ишлов биринчи культивациядан сўнг UAN-32 препарати билан олиб борилган. Босқичма-босқич олиб борилган ишловлардан сўнг фермер хўжалиги биринчи теримдан 55-60 центнергача ҳосил кўтарди. Бунда "IFODA" компанияси агрономларининг ҳам ҳиссаси катта.

"IFODA"нинг узоқ йиллик ҳамкорлари, биргаликда ҳосил етиштириб манфаат топаётган миришкор фермерлари кўп. Улардан бири Фарғона вилояти Тошлоқ туманидаги "Турдиали Қодиров" фермер хўжалиги. Фермер хўжалик 10 йилдан ортиқ вақт давомида "IFODA" компанияси агрономлари билан ҳамаслаҳат иш тутиб, сифатли ҳосил, юксак хирмон кўтариб келмоқда. Бу мавсумда ҳам ғалладан 91 центнердан ҳосил олди. Шундан сўнг фермер хўжалик ғўза парваришига бор эътиборини қаратди.

– Эрта баҳордан чигитни IFO SEED билан дорилаб экканмиз, – дейди агроном Ҳабибулло Жабборов. – Ундан сўнг илдиз қуртига қарши ENTOVANT PRO препарати билан ишлов ўтказдик. Шунингдек, шира, трипс, ғўза қандаласи, ўргимчаккана каби зараркунандаларга ҳам қарши курашганмиз.

"Тошбулоқ текст" МЧЖ таркибида 20 та фермер хўжаликлари бўлиб, кластерга қарашли 808 гектар пахта майдони бор. Шунингдек, тумандаги 5,5 минг гектардан ортиқ пахта далаларига хизмат кўрсатиб келади. "IFODA" компанияси билан эса ташкил этилгандан бери ҳамкорликда ишлаб келади.

Очиғини айтиш керак, аввалари ҳудуддаги фермерлар биргина пахтанинг ўзидан 30-35 центнердан ортиқ ҳосил ололмаган. Ҳозирда эса бу кўрсаткич 40-45 ва ҳатто 50 центнергача етмоқда.

PDF Compressor Free Version

Суратда Сурхондарё вилояти Узун туманидаги "Хўжамурод бобо набиралари" фермер хўжалигига қарашли 50 гектарли пахта майдонини кўриб турибсиз. Бу хўжалик "IFODA" компанияси билан 3 йилдан бери ҳамкорликда фаолият юритиб, ҳар йили 40 центнердан юқори ҳосил олиб келмоқда.

Ўтган йили ғўза далаларига UAN-32, POTEX, IFO PZN, ENTOJEAN ва ANKA SUPER препаратлари қўлланилди. Ғўза қандаласига қарши эса ENTOSPILAN кимёвий воситаси қўлланилди. Бунинг натижаси ўлароқ, 2020 йилда хўжалик ҳар гектаридан 47 центнердан ҳосил олди.

Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароити бухоролик миришкорларга ҳам қийинчилик туғдирмай қолмади. Бироқ шунга қарамай, омилкорлик, тадбиркорлик ва агротехник ишловларни тўғри олиб бориш эвазига ғўза ниҳолалари анча яхши ривожланган. Ҳар ҳолда вилоятнинг Жондор туманидаги "Нурилло Убайдулло" фермер хўжалигига қарашли пахта далаларидаги ғўзаларни кўргандаги хулосамиз шундай. Хўжалик раҳбари Толмас Файзуллаевнинг таъкидлашича, ўтган йили об-ҳаво ноқулай келганлиги сабабли 2-3марта кўпроқ ишлов ўтказишга тўғри келган. "Ifoda" компаниясининг агроном мутахассислари билан маслаҳатлашиб, ўсимлик дуркун ривожланиши учун зарур кимёвий воситалар мунтазам бериб борилган ва зах ҳамда чўл шароитидаги ерлардан 32,5 центнердан ҳосил олинган.

PDF Compressor Free Version

# "IFODA"НИНГ "ПАХТА БАЙРАМИ"ДАН РЕПОРТАЖ

Деҳқончилик барчамизнинг ҳаётимиз билан узвий боғлиқ соҳа. Унинг машаққати, меҳнати қанчалик шарафли экани, шу билан бирга, нони ҳам қанчалик ширин ва тотлилигини кўпчилигимиз, айниқса, миришкор деҳқонларимиз жуда яхши билишади.

"Ifoda" компанияси томонидан мана шундай меҳнатсевар соҳа вакиллари учун жойларда пахта йиғим-терим мавсуми олдидан "ПАХТА БАЙРАМИ" деб номланган тадбир уюштириб келинмоқда.

Наманган вилояти Тўрақўрғон тумани пахтачилик, ғаллачилик соҳасида вилоятда анча илғор. Шу боис "IFODA" компаниясининг навбатдаги "Пахта байрами" ушбу туманда ўтказилди. Унда туман ҳокимлиги, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, 100 дан ортиқ фермер ва деҳқонлар, агрономлар ҳамда "Ifoda" компанияси раҳбари ва масъуллар иштирок этишди.

PDF Compressor Free Version

Пахта байрами биргина вилоятда ўтказилгани йўқ. Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани "Нормат Ўровали" фермер хўжалигида ҳам барча деҳқонларнинг қалбига қувонч улашган тадбир бўлиб ўтди. Унда 100 дан ортиқ фермерлар, кластер раҳбарлари, туман ҳокими ва сектор раҳбарлари, агрономлар ҳамда компаниянинг масъул ходимлари иштирок этди.

Тадбир бошланишидан аввал, туман ҳокими бошчилигидаги жамоа хўжаликка қарашли пахта даласига тушиб, "оқ олтин" теримига "старт" берди. Шундан сўнг учрашувда йиғилганларга "Ifoda" компаниясининг фаолияти, унинг бугунги кунда қишлоқ хўжалигидаги ўрни, эришган ютуқлари ва фермерлар учун қизиқ агрономик маълумотлар гапириб ўтилди. Айтиш мумкинки, компания билан ҳамкорликда фаолият юритаётган хўжаликлар сони бугун 30 минг нафардан ошиб кетган. Шунингдек, "Ifoda" маҳсулотлари қўлланиладиган майдонларнинг умумий ҳажми 2,5 млн гектардан ортиқ.

– Юртимизда биз, фермерларга яратилаётган имкониятлардан жуда хурсандмиз, – дейди "Шоҳрух Фахриддинович" ф/х раҳбари Очилов Шоҳрух. – Юртбошимиз "фермер бой яшаши керак" деб айтган эдилар. Лекин ҳосилни оширмасдан туриб, даромадни ҳам кўпайтириб бўлмайди. "IFODA" компанияси билан ҳамкорлик қилиб, бунга эришиб келмоқдамиз.

Тадбир давомида "Ifoda" билан бирга етиштириб, муваффақиятга эришиб келаётган фермерлар, компания таркибида фаол ишлаб келаётган агрономлар ва мутасадди раҳбарларга фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Учрашув сўнгида йиғилганлар зиёфат дастурхонига таклиф этилди. Эсдалик учун фотосуратларга тушиш ҳам эсдан чиқмади.

PDF Compressor Free Version



# ГУЛКАРАМ ЭКСПОРТИДАН **МИЛЛИАРДЛАБ ДАРОМАД ТОПАЁТГАН** ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ

Статистик маълумотларга кўра, юртимизда йилига 21 миллион тоннадан ортиқ мева-сабзавот етиштирилади. Лекин, уларнинг бор-йўғи 1,5 миллион тоннаси экспорт қилинади. Маркетинг йўқлиги, жаҳон бозоридаги ҳолат ўрганилмаслиги оқибатида экспорт талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар етарли миқдорда етиштирилмаяпти. Деҳқон, қайта ишловчи ва экспортчи корхоналар ўртасида тизимли ҳамкорлик йўлга қўйилмаган. Миришкор экинларни ўза билганича қадоқлаб, етиштирган маҳсулотини сота олмаяпти, экспортёр эса мева-сабзавот қидириб юрибди. Бу хориждлик харидорлар билан узоқ муддатли ҳамкорлик қилишга салбий таъсир этади.

Бироқ Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидаги "Шамшодбек-Имронбек" сабзавотчилик фермер-хўжалигини бундай хўжаликлар қаторига қўшиб бўлмайди. Ишини тўғри йўлга қўйиб олган бу фермер хўжалик ўз маҳсулотларини Россияга тўғридан-тўғри экспорт қилиш ҳисобига йилига миллиардлаб даромад олади. Ва "Шамшодбек-Имронбек" бу муваффақиятининг салмоқли қисмини "IFODA" компанияси билан ҳамкорлиги маҳсули деб билади. Улар билан фаолият олиб борган агрономлар иши ҳамда завод препаратлари сифатидан жуда мамнун. Бу ҳақда фермер хўжалик билан бирга фаолият юритган "IFODA" агрономи Зафар Ширалиев шундай дейди:

– Фермер хўжалигидаги 5 гектар ерга экилган карам кўчатининг дастлабки ўн беш кунида "IFO MIS ULTRA" ва "ВЛ 77" ўғит ва препаратларидан сепиб, иссиқда касалликларга чидамлилигини ошириб олдик. Мавсумда кўпроқ баргини озиқлантиришга эътибор қаратдик. Барги озиқланиши эвазига ҳосилдорлик юқори, тайёр маҳсулот эса сифатли бўлди. Ҳозирги кунда фермер хўжалиги экилган гулкарам кўчатининг ҳар гектаридан 7-8 тонна биринчи сорт ҳосил олиб, килограммини 7-8 мингдан сотмоқда. Шунингдек, ҳар гектаридан 20-25 центнердан иккинчи ва учинчи сортли гулкарам ҳам етиштирилиб, Россияга экспорт қилинмоқда. Улар "Ifoda" компанияси билан ҳамкорликдан жуда мамнун. Биз билан доимий ишлаб келгани, керакли вақтда керакли дорини берганимиз учун сифатли ва мўл ҳосил кафолатланди. Жумладан, "ВЛ-77" препаратимиз ноябрь ойида карам экинларини қаттиқ совуқдан асраб чиқди.

Давлатимиз раҳбари яқинда ўтказилган видеоселектор йиғилишида мева-сабзавотчиликда кластер тизимини йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Соҳада кўп йиллик тажрибага эга, маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш инфратузилмаси бор тадбиркорларни бунга жалб қилиш яхши самара бериши қайд этилди. Бироқ тадбиркорлар билан биргаликда экин ҳамда ўсимликларни ҳимояловчи, мўл ва сифатли ҳосилни таъминлаб берадиган ўғитлардан ҳам фойдаланиш асло зарар қилмайди. "IFODA" компанияси бу борада сизга ёрдам бера олишидан доим мамнун.

PDF Compressor Free Version

# “IFODA” НИНГ ЯНГИ СОНИ ҚУВОНЧИ

“Ifoda” журнали ҳар гал деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан катта қизиқиш ва битмас-туганмас қувонч билан кутиб олинади. Ахир ҳар йил давомида улар учун дастуриламал бўла оладиган, экинларини парваришлаш борасида қимматли маълумотлар акс этган ҳақиқий қўлланмага эга бўлишади-да!

Журналдаги қишлоқ хўжалигига оид бир-биридан муҳим маълумотлар, компаниямизнинг эришган ютуқлари, тажрибали агроном мутахассисларимизнинг керакли маслаҳатлари ва миришкор деҳқонларнинг ҳосилдаги натижалари, қолаверса, соҳадаги янгиликлар ўқувчиларга асқотаётганига ишончимиз комил. “IFODA” журнали муваффақиятга эришган, кўп тажрибага эга фермер ва деҳқонларимиз учун минбар бўлиб хизмат қилади. Улар ўз фикр-мулоҳазалари, тажриба ва амалий илмларини бошқа ҳамкасблари билан ўртоқлашишса, нур устига аъло нур бўлиши, шубҳасиз.

Суратларда журналимизнинг янги сонини катта қизиқиш билан кўриб чиқаётган деҳқон ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарларини кўриб турибсиз.

PDF Compressor Free Version



# ЎТГАН ЙИЛ САРҲИСОБИ ВА 2021 ЙИЛ РЕЖАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН СЕМИНАР

PDF Compressor Free Version



Самарқанд вилоятида "Ifoda" компаниясининг барча ҳудудий агрономлари учун семинар ташкил этилди. Амалий семинарда "Ifoda Drip" томчилатиб суғориш директори Ф.Ибрагимов, "Ifoda Agro Kimyo Himoya" МЧЖ директори ўринбосари Ж.Ялчин, Ифода Маркетинг раҳбари М. Седат Колжуоғлу ва бошқа мутахассислар иштирок этишди.

Ўтказилган семинар режасига кўра, 2020 йилда амалга оширилган ишлар, хусусан, пандемия шароитида ҳам иш тартибининг тўғри йўлга қўйилганлиги, фермер хўжаликлари ва кластерларга хизмат кўрсатиш сифати, товар айланмаси кўрсаткичлари, шунингдек, ҳудудий агрономларда мавжуд бўлган муаммо ва камчиликлар ҳамда уларнинг ечими борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, 2021 йилда қилинадиган ишлар, янги лойиҳалар ва олдинга қўйилган мақсадлар айтиб ўтилди. Хусусан, "Ifoda"нинг ишлаб чиқарган янги маҳсулотларини фермер хўжаликларига таништиш, "Ifoda Drip" томчилатиб суғориш тизими ва унинг афзаллиги, хусусиятларини миришкорларга тўғри етказиш, Феромон тутқичларининг фойдали томонларини кенг тарғиб этиш ва бошқа шу каби масалалар юзасидан дастурий режа тузиб олинди.

PDF Compressor Free Version

# ЕРИНГИЗ ЭКИН ЭКИШГА ТАЙЁРМИ?

Баҳор яқинлашиб, айни экиш мавсуми бошланган пайтда агрономларга фермерлар томонидан йўлланаётган мурожаатлар сони ҳам кескин ошиб кетади. Бундай пайтда "IFODA" агрономларининг мобил телефонлари бир зум ҳам тинмайди. Мижозлар саволларини эшитиб, ери бир гектар бўладими ёки 100 гектар, ажратмасдан барчасига керакли тавсияларни бериб ўтишади, бизнинг агрономлар. Ерига бориб кўриб, ўғит солиш, суспензия сепиш, зараркунандаларга қарши курашиш борасида қилинажак ишларни рецептдек ёзиб, қўлларига тутқазиб келишади. Бугун биз наманганлик агроном Орифжон Бозоровдан бирров ҳол сўраб, унинг мавсум олдидан ерни тайёрлаш ҳамда экин экиш борасидаги тавсиялари билан қизиқдик.

– Қандай экин экилишидан қатъий назар ер кузда тайёрлангани яхши. Сабаби, қиши билан ёғингарчилик, музламалар ерга сингади. Ернинг музлаган қисмлари музини қўйиб юборганидан кейин майин ҳолатга келиб қолади. Бу майин ернинг эгатини олиб, ўғит билан ишлов бериб, экин эксангиз, ҳосил мўл бўлади. Касакли жойларга экилган экин яхши ҳосил бермайди. Халқ тилида "Ер ҳайдасанг, куз ҳайда, куз ҳайдамасанг юз ҳайда" деган мақол ҳам мавжуд. Эрта баҳорда экин экиладиган бўлса, унинг илдизига фосфорли ўғит солишни ёддан чиқарманг. Фосфор эриши қийинроқ ўғит саналади. Ўсимлик илдиз отганча секин илдизига қадар етиб бориб эрийди. Экинларнинг фосфорга бўлган талабини оширадиган 47 хил суспензияларимиз бор. Мана масалан, "Anka super"ни оладиган бўлсак, у экин баргига сингиб олганидан кейин илдиз атрофидаги озуқаларни ўсимлик ўзига олишига ёрдам беради, - дейди Орифжон Бозоров.

# ЁШ ФЕРМЕРЛАР ЕРЛАРИ УЧУН "IFODA" МАҲСУЛОТЛАРИ ТАНЛАНДИ

Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманида ишлашмаган ёшларни иш билан таъминлаш, уларга тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун ер ажратиш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Абдураҳмонов, фермер хўжалик раҳбарлари ҳамда ёшлар иштирок этишди.

Семинарни олиб борган вилоят ҳокими ёшларга ер ажратиш билангина чекланмай, уруғ қадашдан токи ҳосил олишгача бўлган жараёнда уларга тажрибали агроном ҳамда таъминотчилар ёрдамида кўмак бериш зарурлигини таъкидлади.

– Андижон вилоятининг 14 та туманидаги шу каби ёш тадбиркорлар ерларини ўғитлаш ҳамда экинларини ҳимоялашда айнан "IFODA" компанияси маҳсулотлари танлангани алоҳида таҳсинга сазовор, – дейди компания агрономи Жавлонбек Бўтабоев. – Бу ишончдан руҳланиб, вилоятдаги ёш фермерларга ғалла майдонларини озиқлантириш бўйича ишлаб чиқилган дастур асосида препарат ҳамда суспензияларимиз бўйича маълумотлар бердик ҳамда шартнома асосида ҳамкорликда ишлаш таклифини билдирдик.

Кўтаринки руҳда ўтган ушбу семинар кўпчилик ёшларга дастуриламал бўлиб хизмат қилди, десак янглишмаган бўламиз.

PDF Compressor Free Version

IFODA
agro kimyo himoya

Birgalikda yetishtiramiz!
Вырастим вместе!
We grow together!

# АМИНО КИСЛОТАЛИ СУЮҚ ОРГАНИК ЎҒИТ ANKA SUPER

| Кафолатланган таркиби: | % |
|---|---|
| Умумий органик модда | 20 |
| Умумий азот | 1 |
| Органик азот | 1 |
| Умумий амино кислота | 9 |
| pH | 4-7 |

- Тупроққа ўғит солинганда, у тупроқ микрофлорасини яхшилайди, озуқа моддаларининг тўпланишини осонлаштиради.
- Меваларни чанглатиб , уларни сақлайди ва сифатини яхшилайди.
- Тупроқда қўлланилганда ундаги органик моддалар тупроқ унумдорлиги учун жуда самарали ҳисобланади.
- Ўсимликнинг стресс ҳолатларидан олдин ва кейин япроқларга сепилганда профилактика ва даволовчи таъсирга эга.
- Микроэлементлар билан қўлланилганда микроэлементларнинг ҳаракатланиши ва ассимиляциясини таъминлайди.

## Қўлланилиши, муддати ва сарф-меъёри:

| Экин тури | Япроққа пуркалганда сарф-меъёри | Томчилаб суғорилганда сарф-меъёри (гектарга) |
|---|---|---|
| Пахта, маккажўхори, кунгабоқар | 125-150 мл/100 литр сувга | 1,5-2,0 литр |
| Донли экинлар (буғдой, арпа, сули ва ҳ.к.) | 100-125 мл/100 литр сувга | 2,0-4,0 литр |
| Сабзавотлар (помидор, қалампир,бақлажон, бодринг, қовоқ) | 125-150 мл/100 литр сувга | 1,5-2,0 литр |
| Қулупнай | 125-150 мл/100 литр сувга | 1,5-2,0 литр |
| Мевали дарахтлар | 250-300 мл/100 литр сувга | 2,0-3,0 литр |
| Узум | 125-150 мл/100 литр сувга | 1,5-2,0 литр |
| Цитрус мевалар | 250-300 мл/100 литр сувга | 2,0-3,0 литр |
| Қанд лавлаги | 125-150 мл/100 литр сувга | 1,5-2,0 литр |
| Картошка | 125-150 мл/100 литр сувга | 1,5-2,0 литр |
| Қиш сабзавотлари (гулкарам, брокколи, исмалоқ, карам ва ҳ.к.) | 150-200 мл/100 литр сувга | 1,5-2,0 литр |
| Манзарали экинлар | 75-100 мл/100 литр сувга | 1,5-2,0 литр |

*Юқоридаги миқдорлар тавсия сифатида тайёрланган. Экинларнинг катта-кичиклиги ва кам-кўплигига қараб сарф-меъёрлари ошиши ёки камайиши мумкин.

info@ifoda.uz
+99871 147-05-00
www.ifoda.uz

PDF Compressor Free Version



INDORAMA CORPORATION

# IFODA-ИНДОРАМА: МУСТАҲКАМ ҲАМКОРЛИК – ЯНГИ НАТИЖАЛАР

"Ifoda" компанияси Индорама пахта-тўқимачилик кластери билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, 2021 йилда янги лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олиш мақсадида "Ifoda" маркетинг директори М.Садат Колжуоғлу ва "Индорама" (Сингапур) компанияси Бош директори Амит Жаин ўзаро мулоқот учун учрашув ўтказди.

Унда икки компания ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик, эришилган ютуқлар ва келгуси режалар муҳокама қилинди.

– "Ifoda" маҳсулотларидан ижобий натижаларни қўлга киритяпмиз, албатта, бундан мамнунмиз, – дейди "Индорама" компанияси Бош директори Амит Жаин. – Бундан кейин ҳам биргаликда ишлашимизга ишонаман. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасида катта натижаларга фақат мана шундай ўзаро ҳамкорлик билан эришиш мумкин.

Суҳбат давомида "Ifoda" маркетинг директори М. Садат Колжуоғлу мустаҳкам ҳамкорлик рамзи бўлган, "Ifoda" логотипи туширилган махсус эсдалик совғасини топширди.

PDF Compressor Free Version



# IFODA - BALCOM: ЯНГИ ИСТИҚБОЛ САРИ

Японияниннг машҳур "Balcom Co., Ltd" хусусий холдинги Ўзбекистонда комплекс ўғитлар ишлаб чиқарувчи йирик корхона – "Ифода" компаниясига инвестиция киритадиган бўлди. Инвестиция доирасида бир канча лойиҳалар амалга оширилади.

Тан олиш керак, хусусий компаниялар томонидан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳали кам учрайди. Умуман бошқа йўналишларда ном қозонган, қишлоқ хўжалигига бегона бўлган "Balcom Co., Ltd" Ифода компаниясининг соҳада катта тажрибага эгалиги, унинг келгуси истиқболи ҳамда бозор муносабатлари шароитида жаҳон стандартлари талабига жавоб бергани, шунингдек, халқаро сертификатларга эгалиги, маркетинг ва менежмент йўналишида ривожланган давлатлардаги каби иш юритиб келаётгани боис ҳамкорлик қилишга қарор қилди.

Компаниянинг асосий мақсади – хорижий инвестицияларни жалб қилиб, чет эллик ҳамкорлар билан икки томонлама манфаатли бўлган иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш, экспорт салоҳиятини ошириб, дунё бозорига чиқиш ва албатта юртимиз иқтисодига муносиб ҳисса қўшишдир.

PDF Compressor Free Version

# IFODA-ART SOFT HOLDING: ЎЗАРО ИШОНЧ – ҲАМКОРЛИКНИНГ МУҲИМ ШАРТИДИР

Ҳудудларда "Ifoda" компаниясининг доимий мижозлари, биргаликда ҳосил етиштириб, муваффақиятга эришиб келаётган фермер, деҳқон ва кластерлари бисёр. 3 йилдан бери ҳамкорлик қилиб келаётган Наманган вилоятидаги "Art Soft Holding" МЧЖ йирик агросаноат кластери"Ifoda"нинг мана шундай ишончли ҳамкорларидан саналади.

Ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш, фаолиятни ривожлантириш ва 2021 йилда амалга ошириладиган ишларни муҳокама қилиш мақсадида "Ifoda" маркетинг директори М. Седат Колжуоғлу "Art Soft Holding" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали раҳбари Санжар Шарипов билан учрашди. Суҳбат чоғида икки томон ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик ва буни ривожлантириш йўллари, келгуси режалар, соҳадаги янгиликлар хусусида тўхталиб ўтишди.

– Бу каби учрашувлар ҳамда ўзаро мулоқотлар биз учун муҳим рол ўйнайди, – дейди "Ifoda" маркетинг директори М. Седат Колжуоғлу. – Чунки ҳамкорларимиз нима хоҳлаётганини, уларга қандай хизматлар маъқуллигини билиб оламиз ва бу бўйича керакли ишларни олиб борамиз. Шу ўринда, биз ҳам уларга компаниямиздаги янгиликлар, ишлаб чиқарилаётган янги препарат ва ўғитлар ҳамда уларнинг сифати, хусусиятлари ҳақида маълум қилиб беришимиз учун имконият туғилади. Бу эса, бир-биримизга бўлган ишончни оширади.

Учрашув сўнгида Санжар Шариповга мустаҳкам ҳамкорлик рамзи бўлган, "Ifoda" логотипи туширилган махсус эсдалик совғаси топширилди.

PDF Compressor Free Version



# ҒАЛЛА ҲОСИЛИНИ 90-100 ЦЕНТНЕРГА ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

**17 февраль куни Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги "Тиллабоев – ҳосили мўл" фермер хўжалигида ғаллани баргидан озиқлантириш, касаллик, зараркунанда ҳамда бегона ўтларига қарши курашиш усулларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Избоскан туман ҳокими ўринбосари Абдуфаттоҳ Умаров, "IFODA" компанияси агрономлари ҳамда тумандаги ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари вакиллари қатнашдилар.**

Семинарда "IFODA" компанияси агрономлари деҳқонларга ғаллага ишлов бериш борасидаги олтинга тенг маслаҳатларини бериб ўтишди. Жумладан, ғалла қишдан чиққанидан кейин баргини ИФО PZN ва Anka Super суспензиялари билан озиқлантириш тавсия қилинди. Бегона ўтларга қарши эса Entostar ҳамда Entostar plyus препаратлари, бошоқли бегона ўтларни йўқотиш учун эса Entopik ҳамда Ento Raygras билан ишлов бериш фойдали бўлиши таъкидланди. Мутахассислар зараркунандаларга қарши Top Krop, Delete plyus ҳамда Entolucho 20 препаратлари самарали бўлишини айтиб ўтишди. Шунингдек, ғаллага ишлов беришнинг учинчи босқичида Zerebra agro ҳамда IFO AMINOMAXни қўллаш тавсия қилинди.

Шунингдек, агрономлар 90-100 центнер ғалла ҳосили олиш бўйича ўз кузатишлари ва тавсияларини бериб ўтишди. Бу ҳақда тажрибали агроном Муҳаммадсултон Атахонов қуйидагиларни очиқлади:

– Бугунги семинаримиз ўтказилаётган жой – "Тиллабоев – ҳосили мўл" фермер хўжалиги "IFODA" нинг уч йилдан буён тажриба синов участкаси ҳисобланади. 2019-2020 йилги мавсумда мазкур хўжалик ғалладан 90-92 центнердан ҳосил олди. Бу каби юқори ҳосилдорликка барча фермер хўжаликлари эришишлари мумкин. Фақат тавсияларимизга амал қилиб, ғаллага камида 5 марта суспензия билан, икки марта касаллик, икки марта зараркунанда ҳашарот ва бир марта бегона ўтларга қарши ишлов берилса, юқори ҳосилдорликка эришиш мумкин.

Йиғилишда фермер ҳамда деҳқон хўжаликларидан ташриф буюрган вакиллар ўзларини қизиқтирган саволлар билан ҳам мурожаат қилишди. Аксарият деҳқонлар банкдан олаётган кредит маблағ-ларини тўғридан-тўғри "IFODA" компания-сига, ўғит ва препаратлар хариди учун йўналтириш усули борасида ёрдам сўрадилар. Мутахассислар "IFODA" компанияси таъминотчилар базасида мавжудлиги, фермерлар банк раҳбарига мурожаат қилиш орқали маблағларини ўзлари истаган таъминотчига йўналтириш-лари мумкинлигини тушунтиришди.

PDF Compressor Free Version



# Фазлиддин ИБРАГИМОВ: “ДЕҲҚОН ВА ФЕРМЕРЛАРНИНГ ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМИГА ҚИЗИҚИШИ БАЛАНД!”

**“IFODA” компанияси эндиликда фермер ва деҳқонларга ўғит ҳамда препаратлар билан биргаликда “IFODA DRIP” бренди остида томчилатиб суғориш тизимлари орқали ҳам хизмат кўрсатмоқда. Минерал ўғитлар ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилувчи препаратлар таъминотчиси бўлмиш компания қисқа вақт оралиғида томчилатиб суғориш тизимини қўллаш орқали ҳам ўз мижозларига эга бўлди.**

**Биз “IFODA DRIP” бренди яралишига нималар туртки бўлгани, томчилатиб суғориш тизимини қандай ишлаши, бу борадаги мавжуд муаммоларни ўрганиш мақсадида “Ифода Агро Кимё Ҳимоя” МЧЖ директори ўринбосари Фазлиддин Ибрагимовни суҳбатга тортдик.**

***– Фазлиддин ака, “IFODA” компанияси Ўзбекистонда энг йирик ўғит ҳамда ҳимоялаш кимёвий препаратлари таъминотчиси ҳисобланади. Унинг томчилатиб суғориш тизимига ихтисослашган компаниялар қаторидан қўшилишига нима сабаб бўлди?***

– Деҳқончиликда томчилатиб суғориш тизимини қўллаш нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда энг долзарб масала ҳисобланади. Бунга сабаб, сув танқислиги туфайли экин майдонларига сув етишмаслигидир. Шунингдек, Исроил, Хитой, Туркия қишлоқ хўжалигини олиб қарайдиган бўлсақ, томчилатиб суғориш тизими қўлланилган экин майдонларида анъанавий суғорилган ерларга қараганда бир неча баробар кўп ҳосилдорликка эришиляпти.

PDF Compressor Free Version

Бундан ташқари, Ўзбекистонда шахсан президен- тимиз Шавкат Мирзиёев томонидан бу масала олға сурилятти. Уларнинг топшириғига асосан мамлакатимизнинг йирик экин майдонларида томчилатиб, ёмғирлатиб ёки бошқа шу каби сув тежовчи усуллардан фойдаланиб, суғориш тизимини жорий этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада президент қарори ҳам қабул қилинган. Мана шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда "IFODA" компанияси таъсисчилари ҳамда раҳбарияти "Биз ҳам шу тизимга кирамиз" дея қарор қилишди. Томчилатиб суғориш тизимини ўрганиш ва уни амалда жорий қилиш учун Туркиядан ўзимизга ишончли ҳамкор топдик ва улар бизни туркиялик мутахассислар билан таъминлашмоқда.

Эндиликда биз "IFODA DRIP" томчилатиб суғо- риш тизимимизни ўрнатган деҳқон ва фермер хўжаликларида ўз ўғитларимизни тавсия қилиш ҳамда уларни ерга қўллаб, қайси пайтда берилганда энг юқори натижага эришиш мумкинлигини текшириб кўриш имкониятига эга бўлдик. Яқин бир-икки йил ичида профессионал тавсиянома ишлаб чиқиб, барча деҳқонларга тарқатиш ниятидамиз.

***– "IFODA DRIP" томчилатиб суғориш тизими орқали мижозларга қандай хизматлар кўрсатилади?***

– "IFODA" компанияси юқорида айтиб ўтганимдек, туркиялик ҳамкорлари билан биргаликда томчилатиб суғориш борасида А дан Z гача бўлган барча ташкилий ишларни олиб боради. Айтайлик, бирор кластер раҳбари, деҳқон ёки фермер, бир сўз билан айтганда, мижоз бизга мурожаат қилди. Биз дарҳол мутахассисимизни унинг экин майдонига жўнатамиз. Экин майдони кўздан кечирилиб, ўсимлик тури ҳамда ер ўрганилгач, шунга қараб тавсияларимизни берамиз. Томчилатиб, ёмғирлатиб ёки бошқа услубда суғориш кераклиги, шуни аниқлаб, ўз тавсияларимизни берамиз. У тавсиямизни қабул қилгач, шартнома тузилади. Шартнома бўйича қилинадиган ишлар лойиҳаси тузилади. Лойиҳадан унинг сметаси, яъни нархи келиб чиқади. Мижоз билан шартнома мана шу тарзда тузилади. Мижоз шартнома нархини қисман тўлаганидан кейин биз техникаларимизни у ерга олиб бориб, ишни бошлаймиз. Ҳаммаси жорий қилиниб, ишлатиб, кўрсатиб берганимиздан кейин мижоз қолган тўловни амалга оширади. Шундан сўнг томчилатиб суғориш тизими ўрнатилган жой йилнинг охиригача агрономик назоратда бўлади. Агроном томчилатиб суғориш тизими тўғри ишлашини назорат қилиш билан бир қаторда ўша майдонга керакли вақтда керакли ўғитни сепиш борасида ҳам ўз тавсияларини бериб борадилар.

***– Томчилатиб суғориш тизимини ўзлари ўзи хоҳлаб, мурожаат қилаётган фермерлар ҳам борми?***

– Албатта. Бугунги кунда бундай таклифлар жуддаям кўп. Фермерларнинг ўзлари бунга жуда қизғин қизиқиш билдиришмоқда. Сабаби бу ерда энг катта манфаатдор ер эгасининг ўзи эканлигини ҳамма тушунди. Ўтган йили "IFODA" компанияси тест режимида 2-3 та ҳудудда бу тизимни жорий қилиб, ижобий натижаларни қўлга киритди. Бир мисол келтираман. Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги "Тола" фермер хўжалигининг 19 гектардан ошиқ пахта майдонида томчилатиб суғориш тизимини жорий қилдик. Ўтган йилларда бу фермер экинлари қониб сув ичмаслигидан жуда оз миқдорда, гектарига 30-31 центнердан ҳосил олган. Ўтган йили томчилатиб суғориш тизимини жорий қилганимиздан кейин мазкур фермер хўжалик биринчи теримдан 42 центнердан ҳосил олди. Яъни ҳосилдорлик 12 центнерга ошди. Бу натижани кўргенидан кейин фермер хўжалик раҳбари 50 гектар ерига томчилатиб суғориш тизимини жорий этиш бўйича биз билан шартнома имзолади. Бошқа фермерларнинг ҳам тизимга қизиқиши жуда юқори.

***– Ҳозирги кунда томчилатиб суғориш тизими билан боғлиқ қандай муаммолар юзага келмоқда?***

– Бу тизим билан боғлиқ бирор йирик муаммони кўрмаяпман. Лекин баъзан иш бошлаш учун халақит берадиган ташқи омиллар юзага келади. Очиқ айтадиган бўлсам, ҳозирда жуда кўп фермерлар мазкур тизимни ўз маблағи ҳисобига эмас, кредит эвазига жорий этишни истайдилар. Банкдан кредит маблағларини ўз вақтида ололмаганликлари учун шартнома муддатлари ҳам кечикиб кетмоқда. Яъни бу тизимни иложи борича март-апрель ойларида ўрнатиб улгуришимиз керак. Чунки пахта униб чиққанидан кейин бу ишларни қила олмаймиз. Банк маблағ чиқариб бермагач, фермерлар ниятларини амалга оширолмай қолишмоқда. Яъни биринчи муаммо – банклардан кредит масаласини ҳал қилиш бўлиб қолятти. Яна бир муаммо, биз жорий қилмоқчи бўлган тизим электр талаб мавжудлигини талаб қилади. Электр энергияси ўтказилган бўлиши керак.

PDF Compressor Free Version

Шусиз иложи йўқ. Аксарият пахта майдонлари аҳоли турар жойидан узоқда жойлашганлиги туфайли у ерларга электр энергияси етиб бормаган. Электр энергиясини километрлаб масофага ўтказиб бориш харажати фермер учун оғирлик қилади. Электр масаласини ҳал қила олмаганлиги учун истаклар истаклигича қолиб кетяпти. Ҳозирча мен шу икки масалани муаммо сифатида кўряпман, холос.

***– Ўз ерида томчилатиб суғориш тизимини жорий этишни истаган фермерларга қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?***

– Томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўймоқчи бўлган фермерлар ёки аллақачон жорий этиб бўлганларга менинг биринчи маслаҳатим, кўзлаган мақсадларига эришиш учун биринчи навбатда мутахассисга мурожаат қилсинлар. Томчилатиб суғориш тизимини жорий этиб қўйдим, энди ҳосилим ўз-ўзидан ортиб кетади, деган хаёлга бормасликлари керак. Бу – ўз-ўзидан содир бўладиган жараён эмас. Шу соҳада фаолият юритадиган "IFODA" компаниясининг мутахассислари бор. Уларга мурожаат қилишса, томчилатиб суғориш тизимини қандай қилиб ишлатиш, қайси ўғитни қай пайтда ишлатиш борасида оғринмай ўз тавсияларини бериб борадилар. Айни шу тизимда ишланса, пировард кўзланган мақсад – юқори ҳосилдорликка тўла-тўкис эришиш мумкин.

Озода ҲАЛИМОВА суҳбатлашди.

PDF Compressor Free Version

IFODA
agro kimyo himoya

Birgalikda yetishtiramiz!
Вырастим вместе!
We grow together!

## ИНГИБИТОРЛИ ЎҒИТ
# SMARTFERT N 21-0-0

| Кафолатланган таркиби: | % |
|---|---|
| Умумий Азот (N) | 21 |
| Аммоний Азот | 20,7 |
| DCDA Азот | 0,30 |
| DCDA | 0,60 |

## SMARTFERT N 21-0-0 ЎҒИТИ НИМА МАҚСАДДА ҚЎЛЛАНИЛАДИ?

SMARTFERT N 21-0-0 ўғити таркибидаги моддалар узоқ муддат давомида мунтазам равишда парчаланувчи, сувда яхши эрийдиган ўғитдир. DCDA моддаси азотнинг узоқ муддат таъсир этишини таъминлайди. Азотнинг ҳавога учиб кетиши, тупроқда ювилиб кетишининг олдини олган ҳолда, азот йўқотилишини энг оз миқдорга туширади. Ўғит қўллаш сони ва миқдорини камайтириб, ўғитлашга кетадиган харажатларни камайтиради.
SMARTFERT N 21 экин экилиши билан қўлланилганда, гуллаш ва илдиз отишни яхшилайди. Гуллашдан олдин қўлланилганда ер унумдорлигини оширади. Фосфорнинг ва микроэлементларнинг фаоллашуви ва сўрилишини оширади. У, азотнинг йўқолишини камайтиради, натижада сақлаб қолинган азот экин томонидан сўрилади. SMARTFERT маҳсулоти экологик тоза маҳсулот ҳисобланади.

## Қўлланилиши, муддати ва сарф-меъёри:

| Экин тури | Қўллаш муддати | Сарф-меъёри |
|---|---|---|
| Шоли | Экилгандан сўнг | 400-500 кг/га |
| Қанд лавлаги, пахта, кунгабоқар | Экилгандан сўнг | 300-400 кг/га |
| Ерёнғоқ, соя, пиёз, сабзи | Экилгандан сўнг | 300-400 кг/га |
| Маккажўхори, картошка | Экилгандан сўнг | 400-500 кг/га |
| Очиқ дала сабзавотлари | Экилгандан сўнг | 400-500 кг/га |
| Уруғли мевалар (олма, нок, беҳи ва ҳ.к.) | Гуллагандан сўнг | 400-500 кг/га |
| Данакли мевалар (шафтоли, гилос, ўрик, олхўри ва ҳ.к.) | Гуллагандан сўнг | 400-500 кг/га |
| Цитрус мевалар | Гуллагандан сўнг | 400-500 кг/га |
| Узум | Гуллагандан сўнг | 300-400 кг/га |

*Юқоридаги миқдорлар тавсия сифатида тайёрланган. Экинларнинг катта-кичиклиги ва кам-кўплигига қараб сарф-меъёрлари ошиши ёки камайиши мумкин.

info@ifoda.uz +99871 147-05-00 www.ifoda.uz

PDF Compressor Free Version



# ҒЎЗА КАСАЛЛИКЛАРИ

Мансурбек УСМОНОВ,
агроном

Ғўза, асосан, ҳосилдорликни оширишга тўсқинлик қилувчи ва катта иқтисодий зарар келтирадиган икки хил: вертициллёз ва фузариоз вилт касаллигига кўпроқ чалинади.

Ўзбекистон шароитида, асосан Фарғона, Андижон, Наманган, Бухоро, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида бу касалликлар энг кўп тарқалган бўлиб, ҳар йили ғўзанинг қаттиқ зарарланиши ва ҳосилнинг анчагина қисми нобуд бўлишига олиб келади. Касалликни **Verticillium dahliae Kleb** замбуруғи келтириб чиқариб, касалликнинг номи ҳам шунга мос равишда "вилт" дейилади. Касалликнинг бу ном билан аталишига асосий сабаб, зарарланган ўсимликнинг аста-секин сўлиш ҳолати бутун мавсум давомида кузатилади. Ғўзада вертициллёз дала шароитида, шоналаш фазасида кўрина бошлайди.

## ВИЛТ (VERTICILLIUM DAHLIAE KLEB)

**Вилтнинг ташқи белгилари:** касалликнинг дастлабки белгиси, пастки баргларнинг томирлар орасидаги барг япроқларида сариқ доғлар пайдо бўлиши ҳисобланади. Касаллик аста-секин ғўзанинг юқори қисмидаги баргларига тарқалади. Барглар қўнғир тусга киради ва қуриб қолади.

Касалланган барг таранглик ҳолатини йўқотмаган ҳолда аста-секин тўкилиб кетади. Касаллик авж ола бошлаганда, барглардаги доғларнинг шакли бироз думалоқлашиб, барг четлари ёки томирлар орасида жойлашади. Касаллик ғўза 3-4 та чинбарг чиқарган фазадан бошлаб, ҳосил йиғиштириб олингунга қадар ортиб боради ёки давом этади. Баъзи ҳолларда яланғоч бўлиб қолган поялардан янги барглар кўкаради, бунда ўсимликни янада кучсизлантиради.

Вилт билан касалланган ўсимликнинг ички белгилари бўйича аниқлашда асосий поя, пастки шохчаларнинг ёғоч қисми ҳамда илдизи қия қилиб кесилади. Бунда кесилган ёғочлик қисмининг қўнғир тусга кириши характерли хусусиятларидан бири ҳисобланади. Кесимлардан найларнинг нуқтали қўнғирланишини кўриш мумкин. Замбуруғ табиий шароитда касалланган ўсимликлар қолдиғида чала сапрофит ҳолида тупроқда яшайди. Тупроқда ёки ўсимликлар тўқимасида дастлаб вегетатив орган-мицелийнинг ривожланишини кўриш мумкин. Замбуруғлар, асосан, поянинг сув ўтказувчи тизимида, кўпинча, илдиз бўғзида жойлашади ва фақат нобуд бўлган ўсимликнинг орган тўқимаси бўйлаб кенг тарқалади. У ўсимлик илдизи орқали кириб ўсимликни касаллантиради.

Касаллик ривожланиши учун қуйи +5°+7°С, қулай +23°+25°С ва юқори +31°+32°С ҳарорат етарли бўлиб, аксинча, юқорида кўрсатиб ўтилган ҳароратдан паст ёки юқори бўлганда замбуруғ тиним ҳолатига ўта бошлайди ёки ҳароратнинг +19°+25°С, нисбий намликнинг 60% бўлиши замбуруғнинг ривожланиши ва ўсимликнинг зарарланиши учун қулай ҳисобланади.

Вилт қўзғатувчи Verticillium dahliae замбуруғи ғўзадан ташқари, 38 та оилага мансуб 6700 тага яқин қишлоқ хўжалик экинлари ва бегона ўтларни касаллантиради.

## ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ

**Агротехник тадбирлар:** касалликка чидамли бўлган янги навларни экиш. Алмашлаб экишни ташкил этиш (беда, маккажўхори ва оқжўхори, шоли), ҳосилни йиғиб териб олгандан кейин экин қолдиқларидан тозалаш, бегона ўтларни йўқ қилиш.

PDF Compressor Free Version



Шунингдек, табиий зарарланган майдонларни икки ярусли плуглар билан чуқур шудгор қилиш.

Ғўзани ўсув даврида суғориш, қатор ораларига ўз вақтида ишлов бериш ва минерал ўғитларнинг йиллик меъёрига катта эътибор бериш лозим.

**Кимёвий усул:** уруғлик чигитни экишдан олдин ҳар иккала касаллик (вертициллёз ва фузариоз) ривожланишининг олдини олиш мақсадида препарат суспензиясида 1 т тукли чигитга 25-30 л ва 1 т механик усулда туксизлантирилган чигитга 15-20 л эритмага Вл 77 дан 0,5-1,0 л/т, Энтовакс 200 препаратидан 5 л/т меъёрда кўрсатилган препаратлар билан ишлов бериш лозим.

## ГОММОЗ (XANTHOMONAS MALVACEARUM) КАСАЛЛИГИ

Бу касаллик республикамизда ғўзанинг барча навларида учрайдиган энг хавфли касаллик ҳисобланади.

**Уни *Xanthomonas malvacearum*** деб аталувчи бактерия қўзғатади. Бактериянинг тарқалиши об-ҳаво шароитига боғлиқ бўлиб, баҳорда ва ёзнинг биринчи ўн кунлигида ёғингарчилик кўп бўладиган туманларда кўпроқ, аксинча, кам бўладиган туманларда камроқ учрайди.

Гоммоз касаллиги кўп тарқалган далалардаги ғўзаларда кўпинча кўсак пайдо бўлмайди ёки кўсаги зарарланганда уруғлик чигит ва толанинг сифати бузилади.

**Касалликнинг ташқи белгилари**

Гоммоз касаллиги ғўзанинг ер устки органлари; уруғбарг, чинбарг, поя, кўсак ва толасига тушади. Дастлаб гоммоз уруғбаргда пайдо бўлиб, ҳар хил катталикдаги юмалоқ, тўқ яшил рангдаги мойсимон доғларни ҳосил қилади. Дастлабки даврда бу доғлар уруғбаргнинг остки томонидан яққол кўриниб, сўнгра унинг ҳар икки томонидан яхши кўзга ташланади. Бу кўринишдаги гоммоз жуда хавфли бўлиб, аста-секин чинбарг, поя ва кўсакларга тарқалади.

Гоммоз тушган кўсакларда тўқ яшил, юмалоқ шаклдаги мойсимон доғлар пайдо бўлади. Кўсак чаноғининг касалланган жойлари парчаланиб бузилади ва гоммоз бактериялари пахта толасига ўтади. Бундай ҳолларда пахта толаси оч жигарранг тусга киради, айрим толалар елимсимон шира билан бир-бирига ёпишиб қолади. Касалликни қўзғатувчи бактериянинг ривожланиши ва ўсимликларни касаллантириши учун энг қулай ҳарорат 25-28°С бўлиб ундан ортиқ ҳароратларда ҳаётчанлиги пасаяди. Бактериялар сернам тупроқда ёки сувда 15-20 кунда нобуд бўлади. Қуруқ жойларда эса бир неча йилгача яшаш қобилиятини йўқотмайди. Касаллик, асосан, уруғлик чигит билан тарқалади. Касаллик уруғбаргларга ичидан ва ташқаридан касалланган чигит орқали юқиши мумкин.

## ҒЎЗА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ



**Кузги тунлам (илдиз қурти)** – юзлаб турдаги ўсимликларга зарар етказади. Унинг энг хуш кўрган ўсимлиги эса, ғўза, беда, қанд лавлаги, маккажўхори, ғалла ва полиз экинлари ёш ниҳоллари, бегона ўтлардан шўра, печак ўт ва бошқалар ҳисобланади.

Илдиз қуртлари униб чиқаётган ғўза ниҳолларини шикастлаб, уруғ палла баргларни кемириб ташлади. Кўпинча ёш ниҳолларнинг илдиз бўғзи яқинидан поясини кемиради, баъзан майсанинг ер устки қисмини тўла еб битиради. Катта ёшдаги қуртлар 5 см.гача бўлиб, кўкиш-кулранг кўринишда бўлади. Илдиз қурти етук қурт ҳолида тупроқнинг 10-15 см чуқурлигида қишлаб чиқади.

Эрта баҳорда, яъни март ойининг 2-3-ўн кунлигида қишлаб чиққан илдиз қурти суткалик ҳарорат 10°С дан ошганда тупроқнинг устки қатламига кўтарилиб, 5-6 см чуқурликда ғумбакка айланади. Об-ҳаво шароитига қараб баҳорда 15 кундан 30 кунгача ғумбак ҳолида яшайди. Бунда фойдали ҳарорат йиғиндиси 150°С даражасига етганда ғумбакдан капалаклар учиб чиқа бошлайди.

Илдиз қурти капалаклари апрель ойининг иккинчи ўн кунлиги бошларида учиб чиқиб, қўшимча гул нектарлари билан озиқланади ва

PDF Compressor Free Version



3-5 кундан сўнг якка-якка ҳолда бегона ўтларга, айниқса, шўра, печак, итузум, ғўза ва ҳатто кесаклар устига тухум қўя бошлайди. Бир дона урғочи капалак ўртача 500-800 донагача, айримлари эса 1800 донагача тухум қўяди.

Янги қўйилган тухумлар ранги оқ бўлади. Капалак тухуми 50°С фойдали ҳарорат олгандан сўнг, улардан майда қуртлар чиқади. Баҳорда қуртлар 25-30 кун ҳаёт кечиради. Кеч экилган, ривожланишдан орқада қолган майдонлардаги ёш ғўза ниҳолларини қирқиб ташлайди ва тўла кўчат олишга имконият бўлмайди. Ғўзага илдиз қуртининг асосан 1-авлоди зарар етказади. Ғўза ниҳоллари пояси қотгандан сўнг зарар етказа олмайди. Мавсум давомида илдиз қурти 4-5 тагача авлод беради.

## КУРАШ ЧОРАЛАРИ:

Зараркунанданинг капалаги феромон тутқичга 4 та ва ундан ортиқ тушиши билан, албатта, кимёвий ишловларни амалга ошириш лозим. Зараркунандага қарши тупроқ намлигини 60-70 фоизга келтириб олиб, кун ботгандан кейин гектарига камида 300 л сув сарфлаб, Протект 0,5 кг/га ва Энтолучо 0,3 л/га ёки Энтовант 0,5 л/га ёки Энтовант ПРО 0,25-0,3 кг/га ёки Делтасис 1 л/га препаратларининг бири билан тупроққа чўмилтириб қўлланса, яхши самара беради.

Агротехник тадбирлардан қуйидагиларни ўтказиш лозим.

1. Кузги шудгорни ўз вақтида сифатли қилиб ўтказиш.

2. Ҳайдалмай қолган ерларга қишки яхоб суви бериш. Бунинг натижасида қишловчи авлоди 80-90 фоиз йўқотилади.

3. Эрта баҳорда йўл, ариқ ва дала қирғоқларидаги илдиз қуртига озуқа бўладиган бегона ўтларни йўқ қилиш.

## ҒЎЗАДА ШИРАЛАР (APHIDIDAE)

Ғўзага ўсимлик шираларининг бир неча тури зарар келтиради. Жумладан, полиз ёки ғўза шираси, беда шираси, катта ғўза шираси ва илдиз ширалари экинларга жиддий зарар етказади.

Ғўза ширалари ҳаммахўр бўлиб, 50 турдан кўпроқ ўсимликларга зарар етказади. Бу зараркунандалар ғўза униб чиққанидан бошлаб токи ҳосил териб олингунга қадар зарар етказади. Айрим вақтда ғўза ширалари 50-75 фоизгача ҳосилнинг камайишига сабаб бўлади. Баҳорда ғўза ширалари ғўза ниҳолларининг ўсув нуқтаси ва барг ширасини сўриб, ниҳоллар ўсишини 2 ҳафтагача орқага суради. Кузда эса қора шира тушса, ҳосил миқдор жиҳатидан озаймаса-да, толани ифлослантириб, унинг сифатига жиддий зиён етказади.

Ғўза шираларининг кўпчилиги (полиз ёки ғўза ширасидан ташқари) тухумлик даврида беда, кечки сабзавот ва бегона ўтларда қишловга кетади. Эрта баҳорда ўртача суткалик ҳаво ҳарорати 8-10°С дан юқори бўлганда тухумларидан ширалар чиқиб, асосан бегона ўтларда озиқланиб, урчиб кўпая бошлайди.

Мавсум давомида ширалар 13-25 тагача авлод беради. Ёзда ширалар оталанмай - партеногенетик йўл билан кўпаяди. Натижада қисқа давр ичида ўсимликларнинг ўсув нуқтаси, барги ва танасида зич колониялар ҳосил қилади. Ширалар ёш ниҳолларнинг барглари ширасини сўриши натижасида барглар буришиб қолади. Ниҳоллар ўсиш ва ривожланишдан орқада қолиб, пастки шохларида кўсак ҳосил бўлмайди.

## ТАМАКИ ТРИПСИ (THRIPS TABACI)

Тамаки трипси ҳаммахўр ҳашарот бўлиб, ғўза, пиёз, карам, помидор, картошка, буғдой ва бошқа кўплаб турдаги маданий экинларни зарарлайди. Ғўза ердан униб чиққандан бошлаб ғўза ниҳолларининг, ўсув нуқта ва баргларидаги суюқликни сўриб, зарарлайди. Натижада ниҳолларнинг барг ва ўсув нуқталари қовжираб қолади ва ниҳол бачкилайди, ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади.

PDF Compressor Free Version



Учки қуртаги нобуд бўлган ғўза ниҳоллари айри шохлар ҳосил қилади, кучли зарарланган айрим ёш ниҳоллар эса нобуд бўлади. Зарарланган ўсимлик тупларида ўртача 2 тадан кўсак камаяди.

Тамаки трипсининг вояга етган имагоси кечки сабзавот, кузги буғдой ва дала қирғоқларидаги бегона ўтлар, ўсимлик қолдиқларида қишлаб қолади. Эрта баҳорда ўртача суткалик ҳаво ҳарорати 8-10°Сдан юқори бўлганда трипслар қишловдан чиқиб, ривожланишни бошлайди.

Трипслар ҳаёти давомида 100 донагача тухум қўяди. Тухумдан зараркунанданинг личинкалари 3-4 кунда чиқади. Личинкалар 10-15 кун ривожланиб, етук ҳашоротга айланади. Бу зараркунанда 7-10 тагача авлод беради. Трипс бир ўсимликдан иккинчи ўсимликка, бир даладан иккинчи далага учиб ўтади. Айниқса, қуруқ ва иссиқ ҳавода у жуда ҳам тез ҳаракат қилиб, битта ўсимликда бир неча соатгина бўлади. Ҳавода нисбий намлик қанча юқори бўлса, трипс битта ўсимликка шунча кўп зарар келтиради.

**Курашчоралари**

1. Дала қирғоқларидаги тут ва бошқа дарахтларнинг эгилган шох-шаббаларини кесиб, дарахт тагларини очиш.

2. Дала қирғоқларидаги, йўл ва ариқ зовур бўйларидаги бегона ўт қолдиқларини феврал-март ойларида кўл кучи билан йўқ қилиш чораларини кўриш.

3. Уруғли чигитни Римида препаратидан 1 тонна уруғ учун 4-5 кг меъёрда дорилаш.

4. Ғўза ниҳолларини баргидан озиқлантириб, трипсга чидамлилигини ошириш мақсадида камида 2 марта минерал ўғитлар суспензияси (Вуксал 0,8-1,0 л/га, Бигус 1,0 л/га, Энтомикро 1 кг/га препаратларидан бири билан) сепишни ташкил этиш.

5. Шира ва трипслар ривожланиб,тарқаладиган ўчоқ майдонларда мавсум давомида доимо бегона ўтларни йўқ қилиб бориш.

6. Шира ва трипс билан кучли зарарланган майдонларда Энтолучо 0,4 л/га, Энтоспилан 0,5 кг/га, Римида 0,25 кг/га препаратлардан бири билан ишлов ўтказиш лозим.

**ЎРГИМЧАККАНА (TETRANYCHUS URTICAE KOCH)**

Ғўза зараркунандалари ичида энг хавфлиларидан бири бу ўргимчакканадир. Зараркунанда баъзан пахта далаларида етиштирилаётган ҳосилнинг тенг ярми йўқотилишига сабаб бўлади.Ўргимчакканaнинг зарари натижасида ҳар йили пахта ҳосили сезиларли даражада камаяди.

Ўргимчаккана – ҳаммахўр зараркунанда бўлиб, 248 турдаги ўсимликлар билан озиқланади. Айниқса, ғўза, соя, ерёнғоқ, мош, кунжут, полиз экинлари, айрим вақтларда маккажўхори, шунингдек, тут, ток, мевали ва манзарали дарахтларни зарарлайди.

Ўргимчаккана асосан кузда қаерда кўп ривожланиб тарқалган бўлса, ўша ерда қишлаб қолади, жумладан, ғўзапоя ва унинг қолдиқларида, хайдовда ҳосил бўлган катта кесаклар остида, дала қирғоқларидан тут дарахтлари пўстлоғи ва каллакларида, дарахтлар тагида, йўл қирғоқлари ва ариқ-зовурлар бўйларидаги кенг баргли ўтлар қолдиқларида қишлаб чиқади.

Қишлашга кирган ўргимчаккана совуққа ўта чидамли бўлиб, сернам жойларда совуқ -20°С бўлганда, атиги 1-2 донаси нобуд бўлади. Бу зараркунанда қишловдан жуда барвақт – март ойида, суткалик об-ҳаво ҳарорати ўртача 12-13°С дан юқори бўлганда чиқади.

Ўргимчаккана, одатда, шамол ёрдамида ўзи ҳосил қилган иплари воситасида оқар сувлар, одамлар иш кийимлари ва иш қуроллари орқали тарқалади. Шунинг учун ғўза ва бошқа экин далаларининг дастлаввал чекка қисмлари зарарланади. Дала ва йўл қирғоқларидаги ғўза ниҳоллари баргларига чанг ғубор тушиб, ўргимчаккана ипларига ёпишиб, уни йиртқич кушандалардан ҳимоя қилиб, кўпайиб ривожланишига имконият яратади. Ҳаво ҳароратининг иссиқ бўлиши ҳам ўргимчакканaнинг ривожланиб тарқалишига қулай шароитни вужудга келтиради.

Ўргимчаккана ўз ҳаёти давомида ўртача 140 дона, айрим вақтда эса 600 донагача тухум қўяди. Бу зараркунанда ҳаво ҳароратидан келиб чиқиб, 7-19 кунда бир марта авлод беради. Мавсум давомида ўртача 16-18 марта авлод беради.

Одатда, ўргимчаккана зарари яхши озиқланмаган, тагига ишлов берилмаган, сувсизликдан ҳолсизланиб, ўсиш ва ривожланишдан орқада қолган ғўза ниҳолларида биринчи навбатда кўринади. Ўргимчаккана ғўза ниҳолларининг ҳаёт фаолиятини ўзгартиради, яъни баргдаги

PDF Compressor Free Version



фотосинтез фаолияти ва модда алмашинувини бузиб, ўсимликнинг қуриб қолишига сабаб бўлади.

## КУРАШ ЧОРАЛАРИ

1. Дала майдонларидан ғўзапояларни илдизи билан олиб чиқиб кетиш.

2. Икки ярусли плуг билан чуқур хайдов ўтказиш.

3. Дала қирғоқларидаги тут ва бошқа дарахтларнинг эгилган шох-шаббаларини кесиб, дарахт тагларини очиш.

4. Дала қирғоқларидаги, йўл ва ариқ зовур бўйларидаги бегона ўт қолдиқларини февраль март ойларида қўл кучи ва кетмон билан йўқ қилиш чораларини кўриш.

5. Ғўза қатори ораларига биринчи комплекс ишлов берилгандан сўнг зараркунанда ўчоғи бўлган майдонларга ҳар гектарига 40-50 кг дан олтингугуртли сув билан чангитишни ташкил қилиш лозим.

6. Июнь-июль ойларида айрим майдонларда ўргимчаккана карта ўрталаригача кириб бориши кузатилса, Энтосоран 0,3 кг/га, Акараголд 0,5 л/га, Спиромектин 0,25-0,3 л/га, Энтомайт 1,5-2,0 л/га, Энтомектин 0,5 л/га препаратларининг бирига Силвер СФМ 0,05-0,1 л/га меъёрида қўшиб, кимёвий ишловлар ўтказиш тавсия этилади.

## ҚАНДАЛАЛАР



Дала, беда ва ғўза қандаласи мева, дон, дуккакли ва полиз экинларини, айниқса, беда, лавлаги, маккажўхори ва тамаки, ғўза, қовоқ, картошка ва бошқа ўсимликларни зарарлайди. Ўтказилган тадқиқотлар қандала билан зарарланган ғўзада шона, гул, ғунча ва кўсакларнинг тўкилиб кетиши ва баргларнинг сарғайиб, қуриб қолишини кўрсатди.

Бедада қандалаларнинг оммавий тухум қўйиши май ойи охирида кузатилади. Тухум қўйиш, ушбу далаларда ўсадиган шўра ва бошқа бегона ўсимликларда амалга ошади, сабаби, биринчи йилдаги беданинг пояси ингичка бўлиб, тухум қўйишга ярамайди. Бедада тухумлар ўсимликнинг ўсиш конусига яқин бўлган ён шохларига қўйилади. Қандалалар 150-250 донагача тухум қўяди. Қандалалар мавсум давомида 5 тагача авлод беради.

Қандалалар ғўза майдонларида ҳосилнинг сезиларли йўқолиши, тола сифатининг ёмонлашуви, ёш ҳосил элементларининг тўкилиши ва уруғнинг яроқсизланишига олиб келади.

Қандала ғўзани ёппасига зарарлаганда, пахта ҳосилини 40-50%, айрим ҳолатларда 70-80% гача йўқотилишига сабаб бўлади. Қандалалар миқдорини уларнинг дастлабки кўпайиш жойларида камайтириш ҳамда зараркунандаларнинг бошқа экинларга кўчишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги тавсияларни амалга ошириш ўта муҳим:

– шувоқ, ялпиз, сув қалампирига дала қандаласи сентябр-октябрда кўчиб ўтиши ва у ерда охирги авлоди ривожланиши ва қишлашга кетишини инобатга олиб, бундай бегона ўтларни кузда ўриб ташлаш;

– баҳорда, апрель ойининг иккинчи ярмида бегона ўтлар (сурепка, жағ-жағ, отқулоқ)ни йўқотиш;

– бегона ўтлар (жағ-жағ, сурепка, шўра, шовул) ни ғўза экини орасидан мунтазам равишда йўқотиб бориш, айниқса, ғўза шоналаш даврида бу тадбир ўта муҳимдир, чунки бу даврда дала қандаласининг тухум қўйиши қисман юқорида кўрсатилган бегона ўтларда кузатилади;

–ғўзани биринчи суғоришда тупроқнинг меъёрдан ортиқ намланишига йўл қўймаслик зарур. Чунки бу ҳол дала қандаласининг ғўза экинига ўтишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади;

– минерал ўғитлар билан озиқлантириш, айниқса, фосфор-калийли ўғитлар, ғўзани қандалалар билан шикастланиш даражасини бирмунча камайтиради;

Кундузги соатларда қандалаларнинг вояга етган зотлари жуда фаол ҳаёт кечиради ва экинларга ишлов беришда ер агрегатлардан фойдаланиш уларни чўчитиб юбориши ва улар бошқа майдонларга тарқалишига сабаб бўлиши мумкин. Қандалалар фақат эрта тонгда суст бўлади, шунинг учун кимёвий препаратларни қўллаш эрта тонгда амалга оширилиши лозим.

## ҚАРШИ КУРАШ

Беда қандаласига қарши кимёвий препаратлардан Энтолучо 0,4 л/га, Энтоспилан 0,5 кг/га, Римида 0,25 кг/га, Агрофос-Д 1,0-1,5 л/га, Агрофос экстра 0,8-1,0 л/га препаратларининг бири билан ишлов ўтказиш лозим.

PDF Compressor Free Version

## ҒЎЗА ТУНЛАМИ (КЎСАК ҚУРТИ)-HELICOVERPA ARMIGERA HBN

Ғўза тунлами – ғўзанинг асосийзараркунандаси ҳисобланиб, 120 турдаги ўсимликлар билан озиқланади, айниқса, ғўза, помидор, баклажон, нўхат, мош, соя ва маккажўхори ўсимликларини кўпроқ зарарлайди. Зараркунанданинг битта авлоди ривожланиши 35-40 кун давом этади ва 3-5 тагача авлод беради. Бу зараркунанда, одатда, тупроқда йўл қолдириб, 8-12 см чуқурликкача кириб, ғумбак ҳолатида қишлайди.

Баҳорнинг келишига қараб кўсак қурти капалагининг учиши апрал ойининг иккинчи ўн кунлик охири, учинчи ўн кунлиги бошларига тўғри келади.

Капалак учгандан 3–4 кун ўтиб, урчиб тухум қўйишни бошлайди. Капалаклар ўртача 500-600 та, айрим капалаклар эса 3000 тагача тухум қўяди. Биринчи авлод капалаклари тухум қўяётган даврда ғўза ниҳоллари ёш бўлганлиги сабабли, капалаклар дала қирғоқларидаги бегона ўтларга ва томорқалардаги эртапишар сабзавот экинларига ўз тухумларини якка-якка ҳолда қўяди.

Зараркунанданинг тухуми оқиш кулранг, гумбазсимон шаклда, 1 мм катталикда бўлади. Ғўза тунламининг иккинчи, яъни ғўзада бўладиган биринчи авлодининг кўпайиб кетишининг олдини олиш мақсадида фермер хўжаликлари раҳбарлари, ҳудуд агроном-энтомологлари, мутахассислар билан биргаликда хонадонлардаги ва томорқа хўжаликлари экинларидаги зараркунанда тухумига қарши биомаҳсулотларни қўйишни ташкил этиш лозим.

Ғўза тунламининг табиатдаги иккинчи (ғўзадаги биринчи) авлоди капалаклари учиши июн ойининг 2-ўн кунликларига, ғўза майдонларида ғўзанинг ёппасига шоналаш, гуллаш даврига тўғри келади.

Ғўза тунлами капалаги учишни бошлагандан 3-4 кун ўтиб, капалаклар тухум қўйишни бошлайди. Капалак тухумларини биттадан, ғўзанинг ўсув нуқталари яқинидаги янги баргларга, шона ва гул косаларига кайрмарин номли суюқлик билан ёпиштириб қўяди. Шу билан бирга капалаклар ғўзаси ғовлаб ўсган сернам далаларни ёқтиради. Тухумлардан қуртларнинг чиқиши баҳорда 5-6 кун, ёз ойларида эса 3-3,5 кунга тўғри келади.

## ҚАРШИ КУРАШ

Зараркунандани пахта майдонларига тарқалишининг олдини олиш мақсадида феромон тутқичлар қўйиб, шу феромонларга тушаётган зараркунанда капалаклар мониторинги олиб борилади. Феромон тутқичга 4-5 та капалак тушиши билан зараркунандага қарши Протект 0,5 кг/га, Энтовант 0,5 л/га, Энтовант ПРО 0,25-0,3 кг/га меъёрда препаратларнинг бири билан куннинг салқин пайтида (кун ботгандан сўнг ва кун чиққунча) қўллаш – яхши самара беради.

**Мансурбек УСМОНОВ**

PDF Compressor Free Version



# ҲАМКОРЛИКДАГИ ИШ ЎЗИНИ ОҚЛАМОҚДА

**2005 йилда ташкил топган "Smart base" компанияси асосан дастурий таъминотлар ишлаб чиқиш билан шуғулланади. Бизнинг асосий ишимиз – IT технология йўналишида компьютерлар учун дастурий таъминотлар яратишдан иборат. Бугунги кунгача ўнлаб дастурлар ишлаб чиққанмиз. Уларга патентларимиз ҳам бор. Айни дамда эса Республика миқёсида кенг қўлланиб келинаётган "Геоинформацион ахборот тизими" устида иш олиб бормоқдамиз.**

Геоинформацион ахборот тизими, деганда объектларнинг харита билан боғланган майдонидаги ернинг геотаҳлилини ўтказиш, ўша объектга тегишли бўлган маълумотларни онлайн мониторинг қилиш ҳамда улар ҳақидаги маълумотларни масофадан олиш ва ўрганиш учун яратилган тизим ўтказишни тушунамиз.

Биз бу тизимни қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун татбиқ этмоқчимиз. Татбиқ жараёнида ҳамкорлик қилиш учун биз "Ifoda" компаниясини танладик. Компаниянинг Ўзбекистон бўйлаб жуда кўп мутахассис ҳамда агрономлари фаолият юритади.

Биз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини спутникдан олинган тасвир орқали ўсиш даражаси, ривожланишини кўриш, муаммоли участкаларни таҳлил қилиш, фермер ёки кластер эгаларига ўз экин майдонларидаги камчиликларни аниқлаш, касалликларнинг олдини олишга ёрдам берадиган бир тизим яратяпмиз. Бу тизимда спутник орқали олинган суратларни спутникка хизмат қилувчи компаниялардан харид қилиш ёки бепул базалардан олиш мумкин. Бепул суратларнинг бизга фойда келтирадиган қисми камроқ, яъни, сифати пастроқ бўлгани туфайли таҳлил учун камлик қилади. Шунинг учун биз юқори ҳажмдаги тасвирларни спутникка хизмат қиладиган компаниялардан олиб, ўша далаларни спектрал таҳлил қилиб, муаммоли участкаларни аниқлаш имкониятига эга бўлдик.

Таҳлиллар қанчалик тўғри бўляпти, тасвирлар муаммоли участкани тўғри кўрсатяптими ёки йўқми – буни аниқлаш учун биз "Ifoda" компанияси билан ҳамкорликни йўлга қўйдик. Ҳозир "Ifoda" компаниясининг агрономлари бутун республика бўйлаб барча вилоятларда мавжуд. Агрономлар ёрдамида ҳудуддаги биттадан фермер билан боғландик ва унинг участкасини олиб, йил давомида иш жараёнларини олиб бордик.

Иш жараёнида биз майдонлардаги муаммони тизим орқали аниқлаб, уни агрономларга етказдик. Агрономлар эса биз кўрсатган жойга бориб, ҳақиқатдан ҳам ўша жойда камчилик борлиги ва ушбу тизим аниқ маълумот берганини айтишди.

Синовларимиз натижасида бемалол айта оламизки, бу тизим қишлоқ хўжалиги соҳасида ишловчи ҳар қандай кишига ёрдам бера олади.

Яна бир аниқ ишлаётган тизимга мисол келтирсак. 2010 йил 20 июль куни бир фермернинг даласидаги ўсимлик унмай қолган жойи қанча ер майдонига тўғри келишини аниқладик. Унда 2 гектардан ошиқ ер майдонида ғўза чанқаганлиги ҳолати кузатилиб, бу даланинг ўртасида ўсаётган қисми бўлган. Ушбу фермер хўжалигининг умумий ер майдони 4 гектар 76 сотих бўлиб, биз спутник орқали аниқлаш натижасида 2 гектардан ошиқ ғўзани қуриб қолишдан асраб қолдик.

Айтмоқчимизки, минглаб гектари бор кластер эгалари даласига бормасдан туриб, етиштираётган маҳсулотидан бемалол хабардор бўлиб туриш имкониятига эга. Биз муаммоли участкани аниқлаганимизда уларнинг мобиль қурилмаларига смс юборишимиз мумкин ва мобиль қурилма орқали программага кириб, қайси жойда муаммо борлигини кўриш осон бўлади. Бунда керакли ходимга ёки агрономга қўнғироқ қилиб, ўша ерга боришини айтиш ва муаммони ўрганиб, уни бартараф этиш мумкин. Ҳудудга бормасдан буни назоратга олиш ишда анча қулайлик яратади.

Бу тизим фақатгина суғориш учун эмас. У орқали биз ўсимликнинг ривожланиш даражасини ҳам кузата оляпмиз.

PDF Compressor Free Version



Геоинформацион ахборот тизими қишлоқ хўжалиги, деҳқончилик, боғдорчилик деб соҳа ажратмайди, у ҳаммасини бирдек назорат қила олади. Бир сўз билан айтганда, замон ўзгармоқда, замон ривожланмоқда. Бутун дунё ахборот тизимига ўтяпти, демак биз ҳам ўтишимиз керак.

Арөббой МАРАҲИМОВ,
"Smart base" МЧЖ бош директори

PDF Compressor Free Version



# ПАХТАДАН МЎЛ ҲОСИЛ ОЛИШ ЙЎЛЛАРИ

**Ҳадемай далаларга чигит экиш мавсуми бошланади. Кузда олинадиган мўл ҳосил, асосан баҳордаги агротехник тадбирларга боғлиқ эканлигини назарга оладиган бўлсак, бу чоралар хусусида деҳқонларга батафсил маълумот бериш шарт ва зарурдир. Шу боисдан биз бугун ғўза етиштириш борасида "IFODA" компаниясининг етакчи агрономи, қишлоқ хўжалиги соҳасида ўттиз йиллик тажрибага эга мутахассис Икромжон ака Жўраев билан суҳбатлашишга қарор қилдик.**

***– Икром ака, айтинг-чи, ўзбек деҳқонлари ҳозирги кунда ғўза етиштириш чоғида қандай муаммоларга дуч келишмоқда?***

– Ҳозирги кунда деҳқонларимизнинг биринчи муаммоси – экаётган ерининг сифатсиз чиқиб қолишидир. Иккинчидан, уруғнинг яхши ва сифатлисини ҳам танлаш жуда муҳим. Учинчидан, ўғитлаш ишлари тўғри олиб борилиши керак – яъни касалликка қарши курашадиган, ўсишини яхшилайдиган турли препаратлар билан ишлов бериб, экиш керак.

Агар имконияти, маблағи бўлса, мана шу чора-тадбирларнинг барчаси бажарилиши керак. Деҳқончиликда қадимдан айтиб келинган бир мақол бор: "Ер ҳайдасанг, кузда ҳайда, кузда ҳайдамасанг, юз ҳайда" дейди. Бу иборада катта гап бор. Ерни имкон даражасида кузда ҳайдаб тугатиш керак. Бундан ташқари, мураккаб ўғитлар – фосфор, калий ҳамда маҳаллий ўғит бўлмиш гўнгни ерга кузда солиб, ҳайдаш керак. Ҳайдов сифатли бўлганидан кейин солган мураккаб ўғитимиз 60 кунда парчаланади, бир йилгача яхши таъсир қилади. Шулар таъсир қилиб, ер шишиб, қишловдан яхши чиқади. Агар кузда ҳайдов қилиб қўйилмаган бўлса, баҳорда ҳайдаладиган бўлса, тупроқда қишлаётган турли хил тирик ҳашаротлар бўлиши мумкин. Шунингдек, ҳалиги солаётган ўғитларимиз қишда ер тагида турмагандан кейин фойдаси аллик фоизга камайиб кетади.

Экинларни экиш даврида ерга ишлов бериш учун техникалар ҳам етарли бўлиши керак. Яъни текислов техникаси, пушта олиш, ҳайдаш каби агротехник тадбирлар сифатли бажарилиши лозим. Ундан кейин уруғ танлаш жараёнига етиб келамиз. Сифатли ҳамда Ўзбекистон шароитига тўғри келадиган уруғни танлаш лозим. Кейинчалик ўша танланган уруғни дорилаб экиш зарур. Дориламасдан

PDF Compressor Free Version



экилса, ҳозирда гоммоз вилт касаллиги кўпайиб кетяпти. Унинг олдини олиш учун уруғ таъминоти идоралари уруғларни ўша ернинг ўзиданоқ дорилаб чиқаришмоқда. Бундан ташқари, бизнинг "IFO SED" номли органик ўғитимиз ҳам бор, у касалликка қарши курашиши билан бирга уруғларнинг тўлиқ униб чиқишини таъминлаш хусусиятига ҳам эга. Яъни ёғин-сочин, иссиқ-совуқ кунларда уруғлар айниб қолмасидан униб чиқишига ёрдам берувчи препарат. Экишгача ҳамда экиш давридаги агротехник тадбирлар ўз вақтида амалга оширилиб, сара уруғ экиладиган бўлса, бу, албатта, биринчи қадам бўлади ва ҳосилдорликка ҳам яхши таъсир қилади.

***– Пахта етиштиришга ихтисослашган мамлакатлар пахтанинг ҳар гектаридан 50-60 центнердан ҳосил олаётгани ҳақида жуда кўп ўқиганмиз. Бизда эса бу кўрсаткич анча паст. Нега шундай? Юқори ҳосилдорликнинг ўзига хос сири борми?***

– Ўзбекистон шароитида юқорида айтиб ўтганим агротехник тадбирлар тўлиқ амалга оширилиб, сифатли уруғ танланса, экувчи техникалар тайёр бўлса, бизнинг Ўзбекистон шароитида ҳам 40-50 центнергача ҳосил олаётганлар бор. Бунга Тошкент вилоятидаги "Кавсар замин" фермер хўжалиги, Наманган вилоятидаги "Тола" фермер хўжалигини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Юртимизда 20 гектарли жойдан 50 центнергача ҳосил олгаётган фермерлар ҳам бор. Масалан, кўчат униб чиққанидан кейин бажариладиган агротехник тадбирлар – культивация, яганалаш, биринчи ўғитни бериш, суспензиялаш жараёнлари бор. Бу барча агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширган "Тола", "Кавсар замин" фермер хўжаликлари бир теримдан 42 центергача ҳосил кўтаришди. Агар уларга тўғри йўналиш бериб, препаратларни қайси вақтда, қанчадан солиш кераклиги кўрсатиб берилса, бизда ҳам натижа яхши бўлади. Мана масалан, Тошкентдаги "Истиқлол" фермер хўжалигида тажриба тариқасида меъёридан 100 килограмм кам ўғит бериб кўрдик. Бироқ экинни баргидан озиқлантиришни унутмадик. Суспензия қилиб, баргидан берилган ўша озуқа кам солинган ўғитнинг ўрнини тўлдирди. Ёки айрим ерларга синов тариқасида оралатиб ишлов бердик. Яъни бир картага солган бўлсак, иккинчисига солмадик. Ўғитланган картадаги пахта 40 центнер ҳосил беряпти, иккинчи картадаги пахта эса бор-йўғи 32 центнер. "IFODA" компаниясининг худди биз каби ишлаётган юзлаб фермерлари бор. Агрономнинг айтганини қилаётганлар юқори ҳосил оляпти.

***– Раҳмат, Икром ака. Энди юқорида айтиб ўтган тавсияларингизни умумлаштириб хулосалар берсангиз ва деҳқонларимизга тилакларингиз бўлса ҳам бемалол эшитамиз.***

– Асосий тавсиям – юқори тилга олган агротехник тадбирларни ўз вақтида амалга оширинг. Баргидан озиқлантиришни ҳам эсдан чиқарманг. Мана бу йил об-ҳаво ғалла мавсуми учун жуда ноқулай келди. Бунақа ҳолат бошқа такрорланмасин. Яхши ишлаб, юқори ҳосил олишсин. Хирмонлари мўл бўлсин! Белгиланган режаларни ортиғи билан бажаришсин! Пахтадан 45-50 центнер, ғалладан эса гектарига 70-80 центнер ҳосил олаётган фермерларимиз бисёр. Уларнинг ҳам даромадлари ўзларига буюриб, тўлиб-тошиб юришсин!

PDF Compressor Free Version

# “SEMILLAS FITO” МАККАЖЎХОРИ УРУҒЛАРИ – ЭНДИ ЎЗБЕКИСТОНДА!

**Ўзбекистон шароитида маккажўхори энг қимматли, серҳосил, донли экин ҳисобланади. Маккажўхоридан яхши концентрат, кўк масса ва силос олиш мумкин. 1 кг донида 1,34 озуқа бирлиги мавжуд. Маккажўхори сўталари сут-мум пишиш даврига кирганда тайёрланган силос чорва моллари учун энг яхши озуқадир. 100 кг маккажўхори силосида 24 озуқа бирлиги мавжуд.**

Маккажўхорини баҳорда экиш муддати Ўзбекистоннинг марказий минтақасида жойлашган вилоятлар (Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд ва Фарғона водийси вилоятлари) учун 10-15 апрель, жанубий минтақаларда 2 ҳафта олдинроқ (25-30 март), шимолий минтақаларда эса 2 ҳафта кейин (25-30 апрель) амалга оширилади. Экиш вақти май ойига қолиб кетмаслиги керак, акс ҳолда ҳосилдорлик камайиб кетади.

Баҳорда силос ва донга экишда маккажўхорининг кечпишар, ўрта-кечпишар, ўртапишар нав ва дурагайлари (“Ўзбекистон-601 ЕСВ”, “Ўзбекистон-420 ВЛ”), ёзда дон учун эрта-ўртапишар, эртапишар нав ва дурагайлар (“Қорасув-350 АМВ”, “Ўзбекистон-300 МВ”) тавсия этилади. Пневматик СПЧ-6 сеялкадан фойдаланилганда экиш чуқурлиги 5-6 см. ни ташкил этиб, гектарига 22–25 кг уруғ сарфланади.

Бугунги кунда далаларимизга Туркиянинг “Semillas Fito” уруғ маҳсулотлари кенг қамровда кириб келмоқда. Салкам 141 йилдан буён фаолият юритиб келаётган бу фирма асосан уруғчилик билан шуғулланади. “Semillas Fito”нинг қатор дунё мамлакатларига экспорт қилаётган маккажўхори уруғлари, айниқса, машҳур. Шу вақтга қадар компания томонидан уларнинг 8 хил тури сотувга чиқарилган. “ “Cadiz”, “Sagunto”, “Altamira”, “Donana”, “Motril”, “Bonfire”, Tamuco”, “Hatay” кабилар шулар жумласидандир. Қуйида мазкур уруғларга қисқача тўхталиб ўтамиз.

PDF Compressor Free Version



ФАО 700

МАККАЖЎХОРИ

## ALTAMIRA

### ЮҚОРИ ҲОСИЛДОРЛИК

**Афзалликлари:**
- Эрта экин учун мос
- Суғориладиган майдонлар учун тавсия этилади

**Экин поясі:**
- Униб чиқиши: Жуда яхши
- Баландлиги: 2,70 м
- Сўта чиқариш баландлиги: 1,15 м.
- Яшиллик ҳолатини сақлаб туриши: Аъло даражада

**Сўтаси:**
- Қаторлар сони: 16-18
- Ҳар бир қатордаги донлар сони: 46
- Солиштирма оғирлиги: 74 кг/hl
- 1,000 та доннинг оғирлиги: 420 г
- Дон тури: тишсимон

**Тупроқ тури:**
Барча турдаги тупроқларга экиш мумкин.

**Экиш зичлиги:**
- Гектарига 80 000 – 90 000 дона

ЦЕФАЛОСПОРИОЗга чидамли
ВИРУСли касалликларга қарши чидамли

ФАО 700

МАККАЖЎХОРИ

## SAGUNTO

### ДОН ВА СИЛОС УЧУН МУКАММАЛ УРУҒ НАВИ

**Афзалликлари:**
- Юқори ҳосилдорлик ва сифатли силос
- Иссиқ ҳавога қарши чидамли
- Юқори солиштирма оғирлик даражаси
- Баланд ва бақувват поя

**Экин поясі:**
- Униб чиқиши: Жуда яхши
- Баландлиги: 3,20 м
- Сўта чиқариш баландлиги: 1,60 m.
- Яшиллик ҳолатини сақлаб туриши: Оптимал даражада

**Сўтаси:**
- Қаторлар сони: 18-20
- Ҳар бир қатордаги донлар сони: 47
- Солиштирма оғирлиги: 78 кг/ hl
- 1,000 та доннинг оғирлиги: 370 г
- Дон тури: Тишсимон

**Тупроқ тури:**
Барча турдаги тупроқларга экиш мумкин.

**Экиш зичлиги:**
- Гектарига 90 000 дона

ЦЕФАЛОСПОРИОЗга чидамли
ВИРУСли касалликларга қарши чидамли

ФАО 550

МАККАЖЎХОРИ

## MOTRIL

### БАРҚАРОР ЭКИН

**Афзалликлари:**
- Барқарор юқори ҳосилдорлик
- Юқори сифатли силос
- Яшиллик ҳолатини яхши сақлаб туриши

**Экин поясі:**
- Униб чиқиши: Жуда яхши
- Баландлиги: 2,90 м
- Сўта чиқариш баландлиги: 1,40 m.
- Яшиллик ҳолатини сақлаб туриши: Оптимал даража

**Бошоғи:**
- Қаторлар сони: 14
- Ҳар бир қатордаги донлар сони: 39
- Солиштирма оғирлиги: 78 кг/hl
- 1,000 та доннинг оғирлиги: 422 г
- Дон тури: тишсимон

**Тупроқ тури:**
Барча турдаги тупроқларга экиш мумкин.

**Экиш зичлиги:**
- Гектарига 85 000 – 90 000 дона

Намгарчиликка қарши чидамли

ФАО 300

МАККАЖЎХОРИ

## BONFIRE

### ЮҚОРИ СИФАТЛИ ДОН

**Афзалликлари:**
- Доннинг юқори сифатли бўлиши
- Гельминтоспориозга қарши чидамли
- Ётиб қолишга қарши юқори чидамли

**Экин поясі:**
- Униб чиқиши: Жуда яхши
- Баландлиги: 2,70 м
- Сўта чиқариш баландлиги: 1,30м.
- Яшиллик ҳолатини сақлаб туриши: Яхши

**Сўтаси:**
- Қаторлар сони: 16
- Ҳар бир қатордаги донлар сони: 33
- Солиштирма оғирлиги: 72 кг/hl
- 1 000 та доннинг оғирлиги: 360 г
- Дон тури: Қобиқсимон

**Тупроқ тури:**
Барча турдаги тупроқларга экиш мумкин.

**Экиш зичлиги:**
- Гектарига 85 000 – 100 000 дона

Гельминтоспориозга қарши чидамли
Совуққа қарши чидамли
Қоракуя касаллигига қарши чидамли

PDF Compressor Free Version



ФАО 700 МАККАЖЎХОРИ

## CADIZ

**СИЛОС УЧУН МАҚБУЛ НАВ**

**Афзалликлари:**
- Юқори ҳосилдорлик
- Юқори озуқавий қиймат
- Йирик ҳажмли сўталар
- Пишиш даврида дон тез қурийди

**Экин поясы:**
- Униб чиқиши: Жуда яхши
- Баландлиги: 3.20 м
- Сўта чиқариш баландлиги: 1.20м.
- Яшиллик ҳолатини сақлаб туриши: Яхши
- Ётиб қолишга қарши чидамлилиги: Яхши

**Сўтаси:**
- Қаторлар сони: 18
- Ҳар бир қатордаги донлар сони: 48
- 1000 та доннинг оғирлиги: 368 г
- Дон тури: Тишсимон

**Тупроқ тури:**
Барча турдаги тупроқларга экиш мумкин.

**Экиш зичлиги:**
- Гектарига 85 000 – 90 000 дона

Гельминтоспориозга қарши чидамли

ФАО 600 МАККАЖЎХОРИ

## DONANA

**ДОН ВА СИЛОС УЧУН КЕЧПИШАР НАВ**

**Афзалликлари:**
- Юқори ҳосилдорлик
- Юқори озуқавий қиймат
- Юқори дон кўрсаткичи
- Касалликларга ва қурғоқчиликка чидамли
- Тез ўсади

**Экин поясы:**
- Униб чиқиши: Жуда яхши
- Баландлиги: 3.0 м
- Сўта чиқариш баландлиги: 1,10м.
- Яшиллик ҳолатини сақлаб туриши: Яхши
- Ётиб қолишга қарши чидамлилиги: Яхши

**Сўтаси:**
- Қаторлар сони: 18
- Ҳар бир қатордаги донлар сони: 42
- 1000 та доннинг оғирлиги: 385 г
- Дон тури: Тишсимон

**Тупроқ тури:**
Барча турдаги тупроқларга экиш мумкин.

**Экиш зичлиги:**
- Гектарига 80 000 – 90 000 дона

Гельминтоспориозга қарши чидамли

ФАО 650 МАККАЖЎХОРИ

## UBEDA

**ДОН УЧУН МАҚБУЛ НАВ**

**Афзалликлари:**
- Юқори ҳосилдорликка эга
- Озиқ-овқат саноатида қўллаш мумкин
- Пишиш даврида донлар тез қурийди
- Эрта ва ўрта экиш учун қулай

**Экин поясы:**
- Униб чиқиши: Жуда яхши
- Баландлиги: 2.8 м
- Сўта чиқариш баландлиги: 1.25 м.
- Яшиллик ҳолатини сақлаб туриши: Яхши

**Сўтаси:**
- Қаторлар сони: 16
- Ҳар бир қатордаги донлар сони: 46
- 1000 та доннинг оғирлиги: 490 г
- Солиштирма оғирлиги: 72 кг/hl
- Дон тури: Тишсимон

**Тупроқ тури:**
Барча турдаги тупроқларга экиш мумкин.

**Экиш зичлиги:**
- Гектарига 80 000 – 90 000 дона

ЦЕФАЛОСПОРИОЗга чидамли

ФАО 700 МАККАЖЎХОРИ

## HATAY

**СЕРҲОСИЛ НАВ**

**Афзалликлари:**
- Юқори ҳосилдорликка эга
- Юқори сифатли дон
- Пишиш даврида донлар тез қурийди
- Бақувват поя

**Экин поясы:**
- Униб чиқиши: Жуда яхши
- Баландлиги: 3.0 м
- Сўта чиқариш баландлиги: 1.30 м.
- Яшиллик ҳолатини сақлаб туриши: Ўрта

**Сўтаси:**
- Қаторлар сони: 16-18
- Ҳар бир қатордаги донлар сони: 46-48
- 1000 та доннинг оғирлиги: 300 г
- Солиштирма оғирлиги: 78 кг/hl
- Дон тури: Тишсимон

**Тупроқ тури:**
Барча турдаги тупроқларга экиш мумкин.

**Экиш зичлиги:**
- Гектарига 80 000 – 90 000 дона

ЦЕФАЛОСПОРИОЗга чидамли
ВИРУСли касалликларга қарши чидамли

PDF Compressor Free Version

# БУҒДОЙДА ЎҒИТЛАШНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

**Бугунги кунда буғдойни ўғитлаш дастурининг амалга оширилиши юқори даражада натижа бермоқда. Керакли маданий тадбирлар амалга оширилганда ва тўғри ўғитлаш дастури ёрдамида ҳосилдорликни 40 фоиздан 100 фоизгача оширишга эришиш мумкин.**

Ўғитлашнинг биринчи босқичида иқлим ва тупроқ шароитини ўрганган ҳолда дастур тузилади. Органик моддалар ва минерал ўғитлар миқдори кам бўлган тупроқлар ўрганилади ва об-ҳаво шароитлари ҳиссобга олинган ҳолатда ўғитлаш амалга оширилади. Униб чиқиши яхши ва тез бўлиши учун уруғларни экишдан олдин ўғитлаш йўли билан буғдойнинг ривожланишига ижобий таъсир этиш мумкин. Чунки кишки буғдой ва дон экинлари кузда униб чиққанидан кейин иқлимга қараб ривожланиши жуда секинлашгани сабаб озуқа моддаларни олиши ҳам камаяди. Баҳор ойида эса вазиятнинг тескарисини кўриш мумкин. Озуқа моддаларга бўлган талаб ҳам шунга мос равишда ошиб боради. Бошоқ ҳосил бўлиш даврининг охирига келиб озиқ моддаларни олиши ҳам камаяди. Буғдойдан юқори ҳосил олиш учун қуйидаги маълумотларни ёдда тутишимиз керак.

Бошоқ ҳосил бўлишида тупроқдан ва ўсимликнинг устки қисмидан берилаётган ўғитни тўғри ва самарали тартибда берилиши энг муҳим омиллардандир. Тупроқни ўғитлашда, биринчи навбатда уруғни экиш вақтида уруғ тушадиган жойнинг 5-7 см ўнг ёки чап томонига 5-7 см остида бўладиган шаклда берилиши керак. Шу билан бирга тупроқнинг кимёвий тузилишини ҳисобга олган ҳолатда фосфорнинг ҳаммасини, азотнинг 3 дан 1 қисми ёки 5 дан 1 қисмини бериш керак. Баъзи ҳолларда тупроқдан берилган ўғитлар, фосфорнинг айрим қисми тупроқда ўсимлик ўзлаштира олмайдиган шаклга кириб қолиши мумкин, бундай ҳолларда қолган фосфорни барг орқали бериш керак бўлади.

Етишмовчилиги кўрилган бошқа озиқ моддаларини ҳам ўз вақтида берилиши ҳосилдорлик ошишидаги энг муҳим омиллардан биридир.

Униб чиқиш ва туплаш даври мобайнида барг орқали берилган ўғитлар, илдиз тизимининг ривожланиши ва туплаш даврида кузатиладиган озиқ модда етишмовчиликларининг олдини олишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу даврлар орасида берилган микроэлементлар ва аминокислоталарнинг қўлланилиши ҳосилдорликни оширади. Бундан ташқари, бу даврда фосфор ва руҳли моддаларни қўллаганда туплаш ва илдиз ёйилиши ортади. Ушбу дастурлар, қиш мавсумида ўсишни секинлаштиради ва буғдойга қиш мавсумини соғлом ўтказиш имконини беради.

Буғдойнинг туплаш даврида бошланган барглан ўғитлаш тизими то бошоқлар ҳосил бўлиш давригача амалга оширилади. Барглан ўғитлаш - донли экинларнинг ҳосилдорлиги ва сифатини оширади, шунингдек, ўсимликни касаллик ва зараркунандаларга қарши чидамлилигини оширади. Аммо бир жиҳатга эътибор бериш керак: Азотли ўғитлар лалми буғдойларда бир мартада, суғориладиган тупроқларда эса камида иккига бўлинган ҳолда берилади.

Туплама давридан бошлаб гуллаш давригача бўлган даврда калийли ўғитларни қўллаш, барг орқали 1-2 марта бажарилиши керак. Дон ҳосил бўлиш давригача калийли ўғитлар берилмаса, ҳосилда жиддий йўқотишларга сабаб бўлади. Бундан ташқари, дон ҳосил бўлиш даври иссиқлик ва сув эҳтиёжлари кўпайган даврга тўғри келганда калийли ўғитлар буғдойнинг сув стрессини ҳам камайтиради.

Гуллаш даврига келганида, буғдой учун керак бўлган барча озуқа моддаларга бўлган эҳтиёжи қондирилиши керак.

Буғдойда тўғри вақтда ва тўғри миқдорда амалга ошириладиган ўғитлаш дастури, юқори ҳосилдорлик калитидир.

Барча босқичлар тўғри бажарилгандан сўнг деҳқонга фақатгина сермаҳсул ҳосилни йиғиб олиш қолади.

Сизларга сермаҳсул мавсум ўтказишингизни тилаймиз.

PDF Compressor Free Version



# ПАХТА ЕТИШТИРИШ СИРЛАРИ

Икромжон Жўраев
агроном

"Ўсимликларни парвариш қилиш менга жуда ёқади. Кўп йиллардан буён уларнинг ичидаман. Пахта етиштириш билан эса 30 йилдан бери шуғулланаман. Айнан мана шу йўналишда фолият юритганим учун ҳам "Ifoda" билан ҳамкорликда ишлагим келди. Мана 9 йилдирки, "Ifoda" биланман. Ишлаб чиқарилаётган препаратлар таркибини биламан. Шу сабабли, уларни нафақат сотиш, балки, ишлатиш методларини, қўллаш нормаларини ва самарадорлигини фермерларга кўпроқ тушунтириб, шу бўйича иш олиб бораман. Бу эса менга ҳузур бағишлайди".

Бугунги суҳбатдошимиз - "Ifoda" компанияси агрономи Икромжон Жўраев.

***— Мамлакатимизда пахтачилик соҳаси қанчалик ривожланган ва бу борада биз бошқа давлатларга ҳам тажриба улаша оламизми?***

- Айнан бизнинг мамлакатдаги иқлим, биздагидек шароит бўлгани учун Марказий Осиё давлатларига бу соҳада ўргата оладиганларимиз бор. Улар билан ҳамкорликда ишлаш учун имконимиз ҳам етарли.

***- Сифатли ва мўл ҳосил олиш учун фермердан нималар талаб этилади?***

- Пахта экилиши керак бўлган ер сифатли тайёрланса, чигит ўз вақтида, иқлим шароитидан келиб чиқиб экиладиган бўлса, самарадорлик яхши бўлади. Бундан ташқари, бажариладиган агротехникалар, ғўза касалликларини олдини олиш ҳамда зараркунандаларга қарши кураш ўз вақтида амалга оширилса, яхши ҳосил олишда муаммолар бўлмайди.

***- Бу йил [illegible] сифати ва миқдори қандай бўлади?***

- Ҳозирги кунда биз билан ҳамкорликда иш олиб бораётган фермерларнинг олаётган ҳосили жуда яхши. Улар бир теримнинг ўзида 40 центнердан ошиқ пахта олишяпти. Бунга мисол қилиб Фарғона ва Тошкент вилоятидаги фермерларни айтиш мумкин. Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, биз бугун нафақат ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича препаратларни ишлаб чиқяпмиз, тавсия беряпмиз, балки, бугун дунё миқёсида тан олинган "ўсимликларни баргидан озиқлантириш" тартибида ҳам иш олиб боряпмиз. Бу эса жуда яхши самара бериб келмоқда.

***- Ҳеч бир иш машаққатсиз битмайди, дейишади. Бу соҳада [illegible] сўзлаб берсангиз.***

PDF Compressor Free Version



- Албатта ҳеч бир соҳа муаммосиз бўлмаганидек, бизда ҳам етарлича муаммолар бор. Масалан, айрим ҳолларда ёқилғи етишмаслик ҳолати бўлиб туради. Айрим ҳолларда эса техника. Бундан ташқари, баъзи майдонларда сувни ўз вақтида қуйиш (суғориш) имкони бўлмайди. Бу муаммолар агар бартараф этилса, натижалар бундан-да яхши бўлади, албатта.

**- "Ifoda"нинг афзалликлари нимада?**

- Бугун "Ifoda" компаниясининг 50 дан ортиқ агрономлари мана шу соҳа ривожи учун ишлаб келмоқда. Улар фермерларнинг даласини бориб кўрибгина қолмай, балки, чигитларни дорилашдан тортиб, ҳаттоки барг тушиш муддатигача агротехникларга ёрдам бериб келишади. Бу борада ёрдам бериш учун агрономларимизнинг қўлида етарлича препаратлар ҳам, озуқалар ҳам, бир сўз билан айтганда имконият бор. Улар "Ifoda" компанияси томонидан ишлаб чиқарилади.

**- Пахта етиштиришдаги асосий омиллар ҳақида нима дея оласиз?**

- Пахта экиш борасидаги бир нечта омилларга аҳамият қаратиш зарур. Биринчидан, уруғнинг сарасини ажрата билиш, иккинчидан шароитдан келиб чиқиб пахта навини танлаш, учинчидан эса ҳаммасини ўз вақтида тайёрлаб, уруғни ўз вақтида экиш. Бу муддат айрим ҳудудларда март ойининг охирига, айрим ҳудудларда эса апрель ойининг 15-кунига тўғри келади. Агар фермерларимиз биринчи ўринда шу омилларга эътибор қаратишса, самарадорлик ҳам кўнгилдагидек бўлади. Шу даврга қадар биз билан ишлаб келган фермерларнинг ҳосили ҳам ана шундай сермаҳсул ва ипак толаси ҳам сифатли бўлган.

Учқун НАМОЗОВ суҳбатлашди

PDF Compressor Free Version



# ҒЎЗАНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ФЕРОМОН ТУТҚИЧЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси пахта етиштиришда дунёдаги етакчи мамлакатлардан бири ҳисобланиб, мамлакат экспортида бу маҳсулотнинг ўз ўрни мавжуд. Бироқ ғўзага зарар етказувчи зараркунандалар сони жуда кўп бўлиб, уларнинг ичида энг ашаддийси – кўсак қурти (Helicoverpa armigera) саналади. У ҳосилнинг 30-50 фоизини нобуд қилишга қодир, айрим ҳолларда эса бундан ҳам кўпроқ зарар етказиши мумкин.

Тухуми (H.armigera)

Кўсак қуртининг кўриниши ва зарарлари

Вояга етган капалакларнинг ўнг қанотлари устида буйрак ҳамда айлана шаклида иккита доғ мавжуд бўлади. Бу ўзига хос белгиси туфайли кўсак қурти капалаги бошқа турдаги капалаклардан яққол ажралиб туради. Урғочи ва эркак капалаклар эса ранги билан бир-биридан ажралиб туради. Урғочи капалак жигарранг ва қизғиш жигарранг, эркак капалак эса оч жигарранг ёки яшилсимон жигарранг тусда бўлади. Урғочилари, асосан, нектар билан озиқланади. Тухуми шаффоф ва оқ рангли шар шаклида бўлади.

Капалак (H.armigera)

Кўсак қуртининг зарарлари (H.armigera)

Битта урғочи капалак ўртача 7-16 кун яшаб, 400-2000 донагача тухум қўяди. Тухумларини дастлаб ёш япроқ ва генератив органларга битта-биттадан қўяди. Кейинчалик зич жойлашган, тўп-тўп тухум қўйишга ўтади. Тухумдан чиққан личинкалар аввал тухум пўстлоғи ва барг эпидермиси билан озиқланади. Кейинчалик ўсимликда ҳаракатланиб, генератив органларга ўтади. Мурғак личинкалар экиннинг уч қисмида яшайди, кейинчалик катта бўлганидан сўнг аста-секинлик билан экиннинг пастки қисмига ўтади. Қўйилган тухумлардан ёз ойларида ҳарорат ўртача 25°С бўлганда 3 кунда, паст ҳароратларда эса 6-10 кунда личинка чиқади. У 1-1.5 мм катталикда, бош қисми қорамтир ва танасида турли рангдаги доғлар бўлади.

Тухумдан чиққан личинка япроқлар билан озиқланса ҳам зарари камроқ бўлади. Гуллар ва кўсаклар билан озиқланишга ўтганида эса энг катта хавф пайдо бўлади. Зарарланган гуллар чангланмайди ва кўсак ҳосил бўлмайди, кўсаклар эса очилмай қолиб кетади.

## Кўсак қуртига қарши феромон тузоқларининг қўлланилиши

Кўсак қуртига қарши феромон қўллашда икки хил турдаги тузоқлардан фойдаланилади. Дельта ҳамда универсал тузоқлар. Дельта тузоқларини мониторинг мақсадида, гектарига 4-6 донадан қўллаш лозим.

Универсал тузоқлар эса уларга қарши курашиш мақсадида қўлланилиб, гектарига 50-60 донадан ишлатилади. Феромон капсулалари эса 30-40 кун давомида таъсир кучини сақлаб туради.

PDF Compressor Free Version

Дельта тузоқлар

ҳолатига қараб, май ойининг ўрталаридан бошлаб август ойининг охирларигача қўйилиши керак.

Мониторинг мақсадли дельта тузоқларида 4-5 дона капалак кўрилган санадан 6-7 кун сўнг кимёвий ишлов ўтказилиши керак.

Тузоқда тутилган капалакларни доимий назорат қилиш ва санаш орқали зараркунандаларнинг оз-кўплиги ва капалакларнинг учиш муддатларини белгилаш мумкин.

Дельта тузоқлар

Универсал тузоқлар

**Феромон тузоқлари ёрдамида**

- Зараркунандаларнинг ҳаракатларини аниқлаш
- Тухумдан личинкалар чиқиш муддатларини аниқлаш
- Кимёвий ишлов ўтказиш муддатларини белгилаш

**Феромонлар афзалликлари:**

- Атроф-муҳит ва инсон саломатлигига зарарли таъсири йўқ
- Узоқ муддат таъсир этади
- Органик маҳсулот етиштиришда қўлланилади
- Уйғунлашган ҳимоя усулларида кенг қўлланилади

Ўзбекистон Республикаси бўйлаб олиб борилган тажрибалар юқори натижалар кўрсатди. 2020 йил мавсумидан бошлаб Республика бўйича кенг фаолият олиб бориш режалаштирилган. Ғўзадан ташқари бошқа мева ва сабзавотларда жами 14 турдаги феромонларни қўллаш бўйича ўқув ва амалий семинарлар ўтказилиши режалаштирилган.

## ЮҚОРИ СИФАТЛИ ҲОСИЛ ОЛИШ УЧУН ФЕРОМОН ҚЎЛЛАНГ

PDF Compressor Free Version

Дилшод Жўраев
*агроном*

# ДАРАХТЛАРГА ШАКЛ БЕРИШНИ БИЛАСИЗМИ?

Сўнгги пайтларда қулоғимизга "дарахтларга шакл бериш" деган тушунча кўп бора чалинмоқда. Бу атама кимлар учундир таниш, яна кимлар учундир эса йўқ. Шакл бериш ўзи нима? Дарахтларга шакл бериш қандай бўлади? Шу каби кўплаб саволларимизга эса малакали мутахассис "Ифода агро-кимё ҳимоя" МЧЖ боғдорчилик, сабзавотчилик ва иссиқхона йўналиши бўлим бошлиғи Дилшод Жўраевдан жавоб олдик.

*– Дарахтларни буташ (шакл бериш) ўзи нима ва у нима учун керак?*

– Дарахтни буташни мевали ва манзарали дарахт турларида синаб кўриш мумкин. Мевали дарахтга шакл бериш нима учун керак, деган савол туғилади. Мевали дарахтни буташдан асосий мақсад, бир вақтнинг ўзида ҳам сифатли, ҳам кўп ҳосил олишдир. Шакл берилмаган дарахтнинг ҳосили кам ва сифатсиз бўлади. Иккита керакли шохнинг ўртасидан учинчи кераксиз шох ўсиб чиққани туфайли уни олиб ташлашга тўғри келади. Айнан шакл бериш жараёнида ўша кераксиз шох кесиб ташланади. Кераксиз шох кесиб ташланмаса, керакли шохлар барглари атрофида ҳаво айланиши яхши кечмайди. Бундан ташқари, фотосинтез жараёни амалга ошмайди. Яъни, шохлар одатдагидек ёруғликка чиқа олмайди. Натижада ёруғликка бўлган интилиш сабабли дарахт шохининг қалинлашиб, ўсиб кетиши амалга ошади. Шакл беришда агар кераксиз учинчи шох кесиб ташланса, дарахтнинг қолган (керакли)

PDF Compressor Free Version



шохларида ҳаво ҳам яхши айланади, ёруғликка ҳам эҳтиёж сезмайди. Бошқачароқ қилиб айтганда, ёруғликка бўлган интилиш бўлмайди ва шохлар кескин ўсиб кетмайди. Ёруғлик билан тўйинган дарахтлар(шохлар)нинг куртакларида эса кейинги йил учун ҳосил элементлари ҳам шаклланади. Демак, шакл беришдан кўзланган мақсад – ҳосил элементларини шакллантириш, баргларда фотосинтез жараёнини меъёрга келтириш, шунингдек, мўл ва сифатли ҳосил олиш.

***– Меваси данакли дарахтларга шакл бериш қандай амалга оширилади?***

– Меваси данакли (ўрик, гилос, олхўри, олча кабилар) дарахтларга шакл бериш асосан эрта баҳорда амалга оширилади. Чунки, меваси данакли дарахтларнинг кесилган жойига совуқ кучлироқ таъсир қилади. Уларнинг ёғоч қатлами бўшроқ ва ғовак бўлади. Ўша жойидан совуқ кириб бориб, керакли қисмни қуритиб қўйиши мумкин. Шох-шаббалар шунинг учун совуқ кириш йўлини очиб қўймасдан, кучли совуқлар ўтиб кетганидан сўнг маълум даврда (эрта баҳорда) буталади. Бу жараён жанубий ҳудудларимизда 1-февраль, шимолий ҳудудларимизда 15-20 мартда амалга оширилса, бу давр водий ва Тошкентда февраль ойининг охири ва март ойининг бошига тўғри келади. Уруғлиларга эса кеч кузда, яъни, ноябрь ва декабрь ойларида шакл берилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

***– Шакл берилгандан кейин, зарарланишнинг олдини олиш учун нима қилиш керак?***

– Шакл берилгандан кейин шохга ҳар хил бактериялар, инфекциялар, вируслар, замбуруғли касалликлар тушмаслиги учун "Ifoda" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган Энтохлорок 65 препаратини 1 гектар майдонга 2,5-3 кгдан пуркаш орқали профилактик ишлов бериш тавсия қилинади.

***– Шох-шаббаларни буташда нималарга эътибор қаратиш зарур?***

– Диаметри 2 мм дан катта бўлган кесилган жойларни, "вода эмульсия" ёки "масленный краска" билан беркитиб қўйиш керак. Бу орқали инфекция тушиши олди олинади.

Бундан ташқари, яна эътибор бериш керак бўлган омиллардан бири, буталиши керак бўлган жой ўткир найзасимон қилиб кесилади. Агар новдани кўндаланг кесиб қўядиган бўлсак, оқроқ юза қолади ва у тезда битиб (қопланиб), куртак яна ривожланишни бошлаб юбориши мумкин. Найзасимон қилиб кесилганда эса юза катта бўлади. Бу юзани битиб (қопланиб) кетиши учун анча вақт керак бўлади. Шу вақт оралиғида эса ён шохлар дунёга келиб, уларда ҳосил элементлари пайдо бўлади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, дарахтларга шакл беришда асбоб-ускуналардан тўғри фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Кесиш керак бўлган жойга ток қайчи билан, арралаш керак бўлган жойга эса арра билан ишлов бериш зарур. Ҳеч қачон бу асбобларни ўрнини алмаштириб ишлатмаслик керак. Чунки, кесиш пайтида ёғоч (ёки новда) пўстини титиб юбормаслик талаб этилади. Борди-ю, ёғоч пўсти титиб юборилса, зараркунандалар келиб шу ерга жойлашади. Касаллик ҳам шу ердан авж олади. Шу сабабли ўта эҳтиёткорлик билан ишлаш даркор.

**Учқун НАМОЗОВ** суҳбатлашди

PDF Compressor Free Version



# ВИЛОЯТЛАР БЎЙЛАБ СЕМИНАРЛАР ТАШКИЛ ҚИЛИНМОҚДА!

**Бундан кўзланган мақсад эса янада сифатли ва мўл ҳосил олиш.**

“Ифода агро кимё ҳимоя” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган кўплаб препаратлар бугун агроном ва фермерлар учун анчагина қулайлик яратиб, уларнинг ишидаги самарадорликни кун сайин ошириб бермоқда. Шу мақсадда мунтазам равишда вилоят ва туманларда соҳа ходимлари ҳамда вилоят ҳокимлиги ва компания раҳбарлари, бошқарма вакиллари иштирокида семинарлар ташкил этиб келинмоқда. Ана шундай семинарлардан бири Фарғона вилоятининг Бағдод туманида бўлиб ўтди. Унда фермер ва семинар иштирокчиларига бир қатор мавзуларда батафсил маълумотлар берилди. Хусусан, компания томонидан ишлаб чиқарилаётган препаратларнинг қайси пайт ишлатилиши, қай ҳолатда қайси препаратдан фойдаланиш зарурлиги борасида фикрлар алмашилди. Айниқса, бу тавсияларнинг ғаллачиликдаги аҳамияти, мисол қилиб айтганда, бирор кимёвий моддани ишлатгандан сўнг унинг самарадорлиги қай даражада бўлиши ва бу қанча давом этиши иштирокчилар диққат марказида бўлди. Бу каби ҳолатларда фермерлар асосан нимага эътибор қаратиши зарурлиги ҳам алоҳида таъкидланди.

Эндиликда бу каби тадбирларни мунтазам равишда ташкил қилиш ва бошқа вилоят ҳамда туманларда ҳам кенгайтириш кўзда тутилгани таъкидланди. Бунинг исботи ўлароқ, бу каби семинар Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманида ҳам ўтказилди. Унда ғалла майдонига етказиб бериладиган ўғитлар, кимёвий препаратлар бўйича ҳам тушунчалар берилди.

Шу ўринда айтиш керакки, “Ifoda” бугун ҳар бир фермер ва агрономлар билан мунтазам равишда ҳамкорликда иш олиб бормоқда. “Ifoda”нинг яна бир афзаллик жиҳатларидан бири шундаки, компания билан ҳамкорликда иш олиб бораётган ҳар бир фермер ва агрономлар етиштираётган маҳсулотларини мутахассисларга кўрсатиб, улар билан ўзаро фикр алмашиш имконига ҳам эга. Мисол учун айтиш мумкинки, экилган ғалла ёки буғдой ер майдонини ҳозирлашдан тортиб то уни йиғиб-териб олгунга қадар агрономлар фермерлар билан ёнма-ён туришади, биргаликда ишлашади. Бу эса, албатта, уларга ҳар томонлама қулайлик ва имконият яратиб беради десак, муболаға бўлмайди. Бугуннинг асосий мавзуси ҳам айнан шу жиҳатлигини алоҳида таъкидлаш зарур. Давлатимиз раҳбари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришни янада ривожлантириш, унинг экспорт даражасини кенгайтириш борасидаги ишлари ҳам сўзимизнинг яна бир исботидир.

Препаратларни шунчаки ишлатиб кўришнинг ҳам ўзига яраша машаққати бор. Чунки агар фермер ёки кластер эгаси ишлаб чиқарилаётган препаратдан айнан кераксиз вақтда фойдаланса, меъёрини билмаса, бу етиштирилаётган экиннинг самарадорлиги пасайиши билан бирга яхши ҳосил олишга тўсқинлик қилиши ҳам мумкин.

**Учқун НАМОЗОВ**
журналист

PDF Compressor Free Version

IFODA agro kimyo himoya

Birgalikda yetishtiramiz!
*Вырастим вместе!*
***We grow together!***

ИНГИБИТОРЛИ ЎҒИТ

# SMARTFERT N 34-0-0

| Кафолатланган таркиби: | % |
|---|---|
| Умумий Азот (n) | 34 |
| Карбамид Азоти | 23,8 |
| Аммоний Азоти | 9,8 |
| Dcda азоти | 0,4 |
| Dcda | 0,80 |

## SMARTFERT N 34-0-0 ЎҒИТИ НИМА МАҚСАДДА ҚЎЛЛАНИЛАДИ?

SMARTFERT N 34-0-0 азотга тўйинган янги авлод ўғити бўлиб, DCDA моддаси ёрдамида азотнинг экинга узоқ муддат таъсир этишини таъминлайди. Азотнинг ҳавога учиб кетиши, тупроқда ювилиб кетишининг олдини олган ҳолда, азот йўқотилишини энг оз миқдорга туширади. Ўғит қўллаш сони ва миқдорини камайтириб, ўғитлашга кетадиган харажатларни камайтиради.

DCDA ингибитори билан Аммоний ($NH_4$+) ўғити фитогормон ва полиаминларнинг синтезини рағбатлантирган ҳолда, экиннинг гуллаши ва ҳосилдорлигини оширади. Ҳар қандай тупроқ ҳолатида ишлатилиши мумкин бўлган юқори сифатли озуқа ўғити ҳисобланади.

## SMARTFERT N 34-0-0 ЎҒИТИ ТАРКИБИДАГИ МОДДАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

**Экин учун азот моддасининг аҳамияти**

Экинларда япроқ ва тана шаклланишини таъминлайдиган, азот экинда кечадиган муҳим физиологик жараёнларни, ҳосил миқдори ва сифатини бевосита таъминлайдиган озуқа моддасидир. Экинлар ўсиб-ривожланиш даврида жуда кўп миқдорда азот талаб қилади. Илдизлар ривожланишида, гуллаш даврида, мева шаклланиши ва етилишида азотнинг ўрни беқиёсдир. Азот билан яхши таъминланган экинларнинг касалликларга чидамлилиги юқори бўлади.

Азот етарли бўлмаган экинларда япроқлар кичик бўлади, шохлари нозик ва оз бўлади. Азот етишмаслиги бошқа зарур элементларнинг экин томонидан етарли даражада ўзлаштирилмаслигига олиб келади, мевалари эса кичик бўлади. Шунга кўра, азотли ўғитлар экинлар учун энг муҳим ўғит ҳисобланади.

**Қўлланилиши, муддати ва сарф-меъёри:**

| Экин тури | Қўллаш муддати | Сарф-меъёри |
|---|---|---|
| Иссиқхона ва очиқ дала сабзавотлари (помидор, қалампир, бақлажон ва ҳ.к.) | Экишдан олдин ёки экиш давомида қўлланилади | 300-500 кг/га |
| Фундук | Гуллашдан олдин ёки кейин қўлланилади | 200-300 кг/га |
| Қулупнай, узум, киви ва бошқа мевалар | Гуллашдан олдин қўлланилади | 400-600 кг/га |
| Данакли мевалар (шафтоли, гилос, ўрик, олхўри ва ҳ.к.) | Гуллашдан олдин қўлланилади | 1,0 – 3,0 кг/ҳар бир дарахтга |
| Уруғли мевалар (олма, нок, беҳи ва ҳ.к.) | Гуллашдан олдин қўлланилади | 1,0 – 3,0 кг/ҳар бир дарахтга |
| Цитрус мевалар | Гуллашдан олдин (февраль ойида) қўлланилади | 1,0 – 3,0 кг/ҳар бир дарахтга |
| Банан | Ўсув даврида қўлланилади | 2,0 - 1,5 кг/ҳар бир дарахтга |

**Юқоридаги миқдорлар тавсия сифатида тайёрланган. Экинларнинг катта-кичиклиги ва кам-кўплигига қараб сарф-меъёрлари ошиши ёки камайиши мумкин.*

info@ifoda.uz
+99871 147-05-00
www.ifoda.uz

PDF Compressor Free Version



# ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

**УЗОҚ ЙИЛЛАРДАН БЕРИ ЎЗБЕКИСТОНДА ҚЎЛЛАНИЛИБ КЕЛИНАЁТГАН ЕРОСТИ ЎҒИТЛАРИНИНГ ТЎПЛАНИШИ НАТИЖАСИДА ҚУРҒОҚЧИЛИК ВА ШЎРЛАНИШ МУАММОЛАРИ ЮЗАГА КЕЛМОҚДА. ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМИ ЎРНАТИЛГАН ЕРЛАРДА ЭСА УШБУ ТЎПЛАНГАН ЕРОСТИ ЎҒИТЛАРИ ФОЙДАЛИ ШАКЛГА ЎТИШИ ТЕЗЛАШАДИ ВА УШБУ ЖАРАЁН ОРҚАЛИ ЎҒИТЛАШ НАРХИ ПАСАЯДИ.**

### ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ТИЗИМЛАРИНИНГ АСОСИЙ АФЗАЛЛИКЛАРИНИ ҚУЙИДА САНАБ ЎТИШИМИЗ МУМКИН:

• Ишлатиладиган сув миқдори автоматик тарзда бошқарилиши сабабли, керакли миқдордаги сув ҳар бир ўсимликка тенг тақсимланади. Шу тариқа ўсимлик учун яхши ривожланиш муҳити таъминланади. Томчилатиб суғориш усулини бошқа суғориш усуллари билан таққослаганда 20% дан 100% гача юқори самарали ҳосил ва сифатли маҳсулот олинишига эришилади.

• Томчилатиб суғориш усули – суғориш самарадорлиги 90 фоиздан 95 фоизгача бўлган усул бўлиб, бу йўл орқали суғориш билан боғлиқ барча зарарли йўқотишлар бартараф этилади. Бу усул ёрдамида суғориш сувининг 40 фоизгача тежалишига эришиш мумкин.

• Ўсимлик қатор ораси суғорилмаслиги ва қуруқ ҳолда қолиши сабабли бегона ўтларнинг ривожланиши камаяди.

• Нишаб ва тупроқ қатлами чуқур бўлмаган ерларда тупроқ эрозиясига сабаб бўлмасдан суғориш таъминланади.

• Томчилатиб суғориш усулида кам оқимли сувлар (2-3 л/сек.), тузли ва тоза сув билан аралашган чиқинди сувдан фойдаланиш мумкин.

• Назоратли суғориш усулини қўллаш орқали ўсимлик озуқа моддаларининг илдиз атрофидан ювилиб кетишига йўл қўйилмайди.

• Паст босимда (атмосфера босими 0,8-1,5) ишлаганда энергия сарфланиши тежалади.

• Шамолли об-ҳаво шароитида ҳам суғориш имкониятини беради.

• Ишчи кучи, ўғит ва зараркунандаларга қарши воситаларини тежашга ёрдам беради.

### ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ УСУЛИ ОРҚАЛИ ЎҒИТЛАШ (ФЕРТИГАЦИЯ)

Томчилатиб суғориш тизими орқали ўғитлашнинг қулайлиги шундан иборатки, у юқори ҳосилдорликни таъминлайди.

Ўсимликларни анъанавий усулда ўғитлашда қўлланиладиган ўғитлар ўсимликлар томонидан паст даражада қабул қилинади ва ярокcиз ҳолдагилари эса тупроқда турли хил муаммоларни келтириб чиқаради.

Томчилатиб суғориш усули орқали ўғитлаш – суғориш тизимларидаги сув билан биргаликда ўсимликнинг асосан илдиз қисми атрофидаги тупроқни озуқа моддалари (қаттиқ ва суюқ ўғитлар) билан таъминлашдир.

Илдиз атрофини сув билан биргаликда ўғитлаш ўсимликнинг вегетация даврида зарур бўлган озуқа моддаларини осонлик билан олишига имкон беради.

Қўлланилаётган ўғит турига қараб ўсимлик томонидан 70% дан 90% гача ўғит ишлатилади. Бундай юқори кўрсаткич ҳосилдорликни ошириш билан бирга ўғит нархини ҳам камайтиради.

Ушбу усул орқали экишдан олдинги ер ости ўғитлари (комплекс ер ости ўғитлари) билан ишлов бериш минималлаштирилади.

Томчилатиб суғориш тизимлари учун ишлаб чиқарилаётган ўғитларнинг 100 фоиз сувда эрувчан ёки суюқ ҳолдаги турлари қўлланилмоқда. Ушбу ўғитларни кам миқдорда ва тез-тез қўллаш орқали ўсимлик ривожланишини назорат остига олиш таъминланади.

PDF Compressor Free Version

**ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ ОРҚАЛИ ЎҒИТЛАШДА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАРГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИШ ЛОЗИМ.**

• Ҳар бир суғоришда ўғит берилиши керак. 2–3 марта суғоришда бир марта ўғит бериш шўрланишга таъсир қилади.

• Ўғитлаш суғориш бошида ва охирида суғориш қувурларидан 5-10 дақиқа давомида фақат сув ўтадиган тарзда бажарилиши керак.

• Кўп йиллик мевали дарахтларни ўғитлашда дарахтнинг ёши, тури, кичиклиги, ярим кичиклиги ва ҳоказо хусусиятлари ва ҳар бир дарахтдан олинадиган маҳсулот инобатга олиниши керак.

• Ўғитлаш дастури мавсумга қараб (куз, баҳор, битта экин) тузилиши керак.

• Томчилатиб суғориш ўғитлари (сувда эрийдиган ўғитлар) ўрнига тупроқ учун қўлланиладиган комплекс ўғитлар эритилиб қўлланилиши мумкин эмас. Қўллаш жараёнида тиқилиб қолишлар юзага келиши мумкин.

• Томизгичлардаги тиқилиб қолишларнинг олдини олиш мақсадида уни вақти-вақти билан қўллаш керак.

Ушбу тамойилларга риоя қилиш орқали юқори миқдорда маҳсулот олишга эришилади.

PDF Compressor Free Version

# ҒЎЗАНИ ЎҒИТЛАШ ДАСТУРИ



| ЧИГИТГА ИШЛОВ БЕРИШ | ЧИГИТ ЭКИШ | НИХОЛ ДАВРИ 35-40 КУН БИРИНЧИ СУҒОРИШДАН АВВАЛ | ШОНАЛАШ ДАВРИ | ГУЛЛАШ ДАВРИ | КЎСАКЛАШ ДАВРИ | КЎСАК ОЧИЛИШ ДАВРИ | ТЕРИМ ДАВРИ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| IFO SEED 200 г/100 кг чигит | ТУПРОҚҚА СОЛИНАДИГАН ЎҒИТЛАР | | | | | | |
| | SMARTFERT 8-21-0 400 кг/га ёки SMARTFERT 15-15-15-15S+TE 300 кг/га IFO LED 200 кг/га | | | | | | |
| Томчилатиб суғориш тизими орқали ўғит бериш | | БИРИНЧИ СУҒОРИЩДА SMARTFERT N21 25 кг/га SMARTFERT N34 20 кг/га | | HOSIL 13-40-13 30-40 кг/га IFO AMINOMAX 25 кг/га 15-20 кун оралиғида 2 марта | HOSIL 17-7-24 20-30 кг/га ENTO GUMIN 20-30-кг/га | HOSIL 10-0-45 30-40 кг/га | |
| | | IFO GUMAT 15 ХАР ГАЛ СУҒОРГАНДА 25-30 Л БЕРИЛАДИ | | | | | |
| Ғўза барги орқали ўғит бериш | | IFJ PZN 2-2.5 л/га IFO AMINOMAX 2-2.5 л/га | | IFO FLOWER 1.5 кг/га IFO AMINOMAX 2-2.5 л/га | IFO PZN 1л/га KALYMAX 1 л/га IFO AMINOMAX 2.5 кг/га | | |
| | | | EVAX 1.5 кг/га POTEX 2 кг/га ENTO MICRO 1,5 кг/га | | | | |

PDF Compressor Free Version

# ҒЎЗАНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ДАСТУРИ

| МУАММОЛАР | | Препаратлар |
|---|---|---|
| УРУҒЛАРНИ ДОРИЛАШ | | ENTOVAKS 75 WP 5 кг/1 тонна уруғ учун; TAKSAM 35 SC 4 л/1 тонна уруғ & RIMIDA 70 WP 5 кг/1 тонна уруғ |
| ЗАРАРКУНАНДАЛАР | БАРГ КАНАСИ (*Empoasca Spp.*) LYGUS | DEMOFOS 40 EC 1.500-2.900 мл/га; ENTOLUCHO 20 SC 300 мл/га; ENTOSPLAN 20 WP 300 gr/га |
| | ТРИПСЛАР (*Trips spp*) | ENTOLUCHO 20 SC 200 мл/га; ENTOSPLAN 20 WP 150 г/га; AGROFOS EKSTRA 200-500 мл/га; DALATE PLYUS 200 мл/га; EZOFOKS 75 750 г/га |
| | ҒЎЗА БИТИ (*Aphis gossypii*) | EKVADOR 35 SC 100 мл/га; ENTOSPLAN 20 WP 150 г/га; AGROFOS-D 1.000-1.500 мл/га; DALATE PLYUS 250 мл/га; EZOFOKS 75 750 г/га |
| | ОҚҚАНОТ (*Bemisia tabaci*) | ENTOSPLAN 20 WP 400 г/га; ENTOMETRIN 25 EC 200-300 мл/га; DALATE PLYUS 200 мл/га; ENTOLUCHO 20 SC 200 мл/га |
| | ҒЎЗА ТУНЛАМИ (*Helicoverpa armigera*) МИСР ҒЎЗА ТУНЛАМИ (*Spodoptera littoralis*) | INDOKSAMEKTIN 93EC 450-700 мл/га; PROFENTRIN 315 EC 400 мл/га; PROTEKT 5 WG 500 г/га; ENTOVANT 15 SC 450 мл/га; PROTEKT PRO 300-450 мл/га |
| | ЎРГИМЧАККАНА (*Tetranychus Spp.*) | AKARAGOLD 72 EC 300-500 мл/га; ENTOSORAN 10 WP 200 г/га; EZAFOKS 10 SC 500 мл/га; ENTOMEKTIN EC 300-400 мл/га; SPIROMEKTIN SC 240 250 мл/га |
| ЎСИМЛИК ЎСИШИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИЛАР | | ENTO-JEAN 98 WP<br>1. Препарат ғўза ўсишини бошқариш учун бир мавсумда 3 марта қўлланилади.<br>2. Биринчи ишлов (15 г/га) – ғўза 7-8 та чинбарг чиқариб шоналаганда илдиз қисмининг ривожланишини ва шоналар ажралишини тезлаштириш, баргларини қалинлаштириш учун.<br>3. Иккинчи ишлов (45 г/га) – гул кўринганда ғўзани бақувват қилиш, шоналарини кўпайтириш, гуллашини тезлаштириш учун.<br>4. Учинчи ишлов (90 г/га) – кўсак пишиш бошланганда ғўза шохларининг энига ва бўйига ўсиши (ғовлаши)ни, унумли гул ва шоналарнинг тўкилишини ва унумсиз шохларининг ўсишини тўхтатиш мақсадида пуркалади. |
| | КЎСАК ОЧИРУВЧИ | SIKLODEFOL 72 SL 2 л/га Энг юқори натижага эришиш учун 35 % кўсак очилганда қўлланилиши керак. |
| | БАРГ ТЎКТИРУВЧИ | ENTO-DEFOL 100-200 мл/га Ўртача 65 % кўсак очилганда қўлланилиши керак. |

PDF Compressor Free Version

# ДЕҲҚОНЛАРГА ШПАРГАЛКА: ҒЎЗА ПАРВАРИШИ БЎЙИЧА АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР

**Мўл ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда агротехник тадбирларни ўз вақтида маромига етказиб бажариш, мавжуд ресурслар, минерал ва маҳаллий ўғитлар ҳамда суғориш тизимларидан унумли фойдаланиш – ҳар бир пахтакорнинг бурчи.**

**Чигит экиш**

Эрта баҳорда далаларда тўлиқ ва соғлом кўчат олиш учун чигит экиш ўз муддатида сифатли амалга оширилиши лозим. Чигит экиш белгиланган муддатдан олдин ёки кеч ва ўтказилса, далада ниҳоллар сийрак бўлишига, натижада ҳосилдорлик пасайишига олиб келади. Қорақалпоғистон Республикасида чигит экишнинг мақбул муддати жанубий туманларда 15-25 апрель, шимолий туманларда 20-30 апрель ҳисобланади.

**Экишдан олдин тупроққа ишлов бериш**

Экиш олдидан, яъни эрта баҳорда тупроққа сифатли ишлов берилганда тупроқ майин, донадор, зичлиги меъёрда бўлиб, табиий намни сақлаш хусусияти ошади. Кузда шудгор қилиниб шўри ювилган майдонлар баҳорда икки қаторли зиг-заг борона билан 8-10 см чуқурликда бороналанади. Бороналаш пайтида ажриқ, ғумай, қамиш ва бошқа кўп йиллик бегона ўтлар илдизи тозаланиб, даладан йиғиб-териб ташқарига чиқарилади ва ёқиб ташланади. Сўнг фосфор ва калийли ўғитлар билан ишлов берилади.

**Яганалаш**

Далаларда ниҳоллар тўлиқ ундириб олингандан кейин тупроқ шароити ва ғўза навларининг биологик хусусиятларига қараб яганалашга киришилади. Яганалашнинг энг мақбул муддати ғўза ниҳолларида 1-2 чинбарг пайдо бўлганда ўтказишдир.

Ниҳолларни яганалаш тўғри муддатларда ўтказилган далаларда ғўзанинг ўсиши ва ривожланиши жадаллашади, озиқа элементлари билан таъминланиши яхшиланади, эртаки, мўл ва сифатли пахта ҳосили олинади.

**Чигитни тайёрлаш**

Чигит махсус фунгицид билан касалликка қарши ишлов ўтказилиб, махсус қопларга солиб, тайёр ҳолга келтирилади. Экишдан олдин чигитнинг униб чиқишини яхшилаш мақсадида "Ifoda" компанияси томонидан ишлаб чиқилган "Ifo Seed" препарати билан бир тонна чигитга 2 килограмм миқдорида ишлов ўтказилиб, экиш мақсадга мувофиқ.

**Ғўза қатор ораларига ишлов бериш**

Ғўза ниҳоллари 75-80 фоиз униб чиқиб, қатори кўринганда, қатор ораларига биринчи ишловни бериш керак. Биринчи культивацияда тупроққа сифатли ишлов берилса, униб чиқмаган 20-25 фоиз ниҳоллар униши тезлашади, тупроқ майин ва донадор бўлиб, ўсимлик илдиз тизими яхши ривожланади. Бу эса ўз навбатида гоммоз, илдиз чириш касалликлари билан зарарланишининг олди олиниб, ўсимликни дуркун ўсишини таъминлаш билан бирга, илдизи эркин ривожланганi учун ўсимликнинг сувсизликка чидамлилигини оширади, суғориш муддати 10-15 кунга орқага сурилади, сув 10-15 фоиз тежалади.

PDF Compressor Free Version

### Озиқлантириш

Минерал ўғитларнинг меъёрларини белгилашда етиштирилган ҳосил миқдори, тупроқ унумдорлиги, алмашлаб экиш, тупроқ эрозияси ва шўрланиш даражаси ва озуқа унсурларининг 1 тонна ҳосил учун сарфланиш миқдорига эътибор бериш керак.

### Бегона ўтларга қарши кураш, чопиқ ва ўток ўтказиш

Суғориш сувидан самарали фойдаланишда ғўза пайкалларида бегона ўтлар тарқалишига йўл қўймаслик керак. Чунки бегона ўтлар (шўра, итузум, қамиш, қўйпечак, саломалайкум, ажриқ ва илдиз тизими ғўзанинг илдиз тизимига нисбатан тез ўсиб, ғўзага нисбатан бир неча марта кўп сувни ўзлаштиради. Биринчи культивацияни шундай ўтказиш керакки, культиватор ўсимлик атрофидаги бегона ўтлар устига тупроқ солиб, ёпиб кетсин. Ажриқ, қамиш ва бошқа кўп йиллик ўтлар тарқалган майдонларда майин чопиқ ўтказиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Кўл кучи етарли жойларда чопиқ ишларини 2-3 марта сифатли ўтказиш ва август ойида 1-2 марта ўток қилиш етарлидир.

### Суспензия билан ишлов бериш

Ғўзанинг дастлабки даврларида ниҳоллар нозик, озуқага, азот ва фосфорга жуда талабчан даврида амалга оширилади. Бу даврда ниҳоллар озиқлантирилмаса, кейинги ривожланиш даврлари чўзилиб, ҳосилга салбий таъсир этади. Барг орқали озиқлантиришда кўчат қалинлиги, ўсимликнинг ривожланиш даражаси, барг сатҳи юзаси, қолаверса, илдиз орқали қўлланилган ўғитлар меъёрларига эътибор бериш керак.

### Ғўзани чилпиш

Ғўзани ўсув нуқтасини чилпиш (чеканка) ўта муҳим агротехник тадбир ҳисобланади. Мазкур тадбир ўз муддатида ва сифатли амалга оширилганда ҳосил элементларини тўкилишининг олди олиниши, тўлик кўсакларнинг кўпроқ шаклланиши ва эрта пишиб етилиши, пахта ҳосилини гектарига 3-4 центнерга ортиши ва толе сифатининг юқори бўлиши Республиканинг турли шароитларида исботланган.

### Ғўза зараркунандаларига қарши кураш

Ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг олимлари томонидан ғўза амал даврида кузги тунлам, акация ёки беда бити, полиз ёки ғўза бити, катта ғўза бити, дала ва беда қандалалари, тамаки трипси, ўргимчаккана ва кўсак қурти ҳар йили ривожланиб, тарқалади ва ҳосилга катта зарар етказиши мумкин.

### Ғўзани суғориш

Суғориладиган ҳар бир пайкалда суғориш муддатлари ва меъёрларини ҳудуднинг сув билан таъминланганлиги, тупроқнинг хусусиятлари ва сизот сувлари чуқурлигини ҳисобга олиб белгилаш лозим. Бу ғўзанинг бир меъёрда ўсишини, эртаки ва мўл ҳосил тўпланишини таъминлайди.

### Ғўза дефолиацияси

Ғўза дефолиациясида далаларни танлаш ва тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ҳар бир дала алоҳида-алоҳида ўрганилади, танланади ва дефолиация муддати белгиланади. Дефолиация учун танланган далада ғўзалар бир хил ривожланган ва биологик етилган бўлиши шарт. Шунинг учун дефолиация қилиниши режалаштирилган ғўза пайкалларини олдиндан белгилаш, ўсув ва амал даврида агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш талаб этилади. Хусусан, ғўзада чилпиш сифатли ўтказилган бўлиши дефолиация самарадорлигини оширади.

Озода ХАЛИМОВА тайёрлади.

PDF Compressor Free Version

**АГРОЖУРНАЛ**

#5 | 02-03 • 2021 / www.ifoda.uz/magazine

Адади: 3000
Чоп этилган сана: 25.03.2021

Наманган шаҳар,
Оромгоҳ кўчаси, 27
+998 78 147 05 00